

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**«БАНК – МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ» ФАКУЛТЕТИ**

**«МОЛИЯ ВА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ» КАФЕДРАСИ**

**«Химояга тавсия этилди»  
«Молия ва суғурта хизматлари»  
кафедраси мудири, профессор  
Зайналов Ж.Р.**

**2012 йил «26» май**

**“Ғазначилик” таълим йўналиши  
ҒИ-108 гуруҳ талабаси Садуллаев Орифнинг**

**«Ғазначилик органлари орқали бюджет ташкилотларининг молиявий  
мажбуриятларини тўлашни тартибли ташкил этиш йўллари  
(Нуробод туман Ғазначилик бўлими маълумотлари бўйича)»  
мавзусида**

# **БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар: асс. Рузибаева Н.**

**Илмий маслаҳатчи: Хакимов Р. –  
Самарқанд вилоят Ғазначилик  
бошқармаси бошлиғи**

**САМАРҚАНД - 2012**

**“Ғазначилик” таълим йўналиши талабаси Садуллаев Ориф томонидан  
“Ғазначилик органлари орқали бюджет ташкилотларининг молиявий  
мажбуриятларини тўлашни тартибли ташкил этиш йўллари (Нуробод  
туман Ғазначилик бўлимимаълумотлари бўйича)” мавзусида  
бажарилган битирув малакавий ишига**

**ТАҚРИЗ**

Ғазна тизимида мажбуриятларни баҳолаш ва молиявий ҳисоботларда акс эттиришга оид муаммолар вужудга келмоқда. Бу эса мажбуриятларни иқтисодиётнинг ҳозирги шароитидага мос назарий ҳамда методологик негизларини чуқур илмий изланишлар асосида тадқиқ этиш, уларнинг натижаларини амалиётда қўллашни тақозо этади. Таъкидлаш жоизки, бу долзарб мавзуга бағишланган битирув малакавий ишида олинган илмий натижалар, ҳулосалар, ўрта бобда ўзининг аксини топган.

Талаба томонидан биринчи бобда ғазна мажбуриятларинининг аҳамияти, зарурияти ва амал қилиш хусусиятлари вазифалари ёритилган. Шунингдек, ушбу бобда ғазна мажбуриятлари динамикасига хос замонавий тенденциялар аниқланган ва баҳоланган.

Ишнинг иккинчи бобида давлат қарзларини бошқариш аҳамияти, усуллари, турлари ва таснифланиши ёритилган. Талабани иккинчи бобни ёзиш жараёнида эришилган муҳим ютуқлардан бири бўлиб, давлат қарзларига оид талайгина чизмалар орқали ёритиш муваффақ бўлганлиги ҳисобланади.

Ишнинг учинчи бобида ғазначилик органлари томонидан бюджет ташкилотларида давлат қарзларини юзага келтирувчи омилларни сабаблари, ғазначилик органлари томонидан давлатнинг ички ва ташқи молиявий қарз мажбуриятларини бошқариш йўллари асосланган.

Битирув малакавий ишида шунингдек, республикамизнинг давлатнинг ташқи қарзлари ҳам тадқиқ қилинган. Бундай масалаларни ёритиш жараёнида эришилган муҳим натижалар бўлиб, келиб чиқишидаги муаммоларнинг аниқланганлиги, унинг ўзига хос хусусиятларини илмий жиҳатдан асослаб берилганлиги ҳисобланади.

Ишда тахлил масаларини мохирона амалга оширилишига талаба мамлакатимиз амалиёт ходимлари фикр-мулохазалари эътиборга олганлиги ижобий таъсир этган ва унинг илмий таклифлари ҳозирги кунда солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришга доир бир неча тавсияларнинг амалиётга тадбик этилганлиги билан баҳолаш мумкин.

Шуни айтиш жоизки, Садуллаев Ориф томонидан бажарилган битирув малакавий иши куйилган талабларга тулик жавоб беради, шу боис у кишининг битирув малакавий ишини ДАК олдида химоя қилишини ва ДАК томонидан бағалавр даражасини берилишини қўллаб - қувватлаймиз.

Самарканд кишлоқ  
хўжалиги институти  
“Иқтисодиёт ва бошқарув”  
факултети декани, доцент



А. Астанов

**“Ғазначилик” таълим йўналиши талабаси Садуллаев Ориф томонидан  
“Ғазначилик органлари орқали бюджет ташкилотларининг молиявий  
мажбуриятларини тўлашни тартибли ташкил этиш йўллари (Нуробод  
туман Ғазначилик бўлимимаълумотлари бўйича)” мавзусида  
бажарилган битирув малакавий ишига илмий раҳбарнинг  
МУЛОҲАЗАСИ**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар амалиётида энг мураккаб муаммолардан бири бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятлари бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, энг мақбул тизимни яратган ҳолда, мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига таъсир қилиш, мажбуриятларни бошқарилишини назорат қилиш ва бир вақтнинг ўзида иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал этиб бориш давлатнинг бош мақсади бўлиб ҳисобланади.

Ушбу бажарилган битирув малакавий иши ҳозирги пайтда ғазначиликда бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис мустақил танланган битирув малакавий ишида ғазна мажбуриятларининг юзага келиши, уни бошқариш хусусиятлари ва аҳамияти, ғазначилик органлари томонидан давлатнинг ички ва ташқи молиявий қарз мажбуриятларини бошқариш, давлат қарз мажбуриятларини молиялаштириш тартиби, давлат қарз молиявий мажбуриятларини тўлаш тартибини бошқариш йўллари ўрганилиб чиқилган ва бу борада илмий таклифлар ишлаб чиқилган ва тавсиялар берилган. Уларни амалиёт ходимлари томонидан эътиборга олиниши ўз самарасини беради деган фикрдамиз. О. Садуллаев томонидан БМИ мавзуси доирасида ёритган масалаларни диққатга молик бўлса ҳам, ишда айрим камчиликларга йўл қўйилган, у ҳам бўлса ишда ғазна мажбуриятларини бажармаслик орқали ички интизомни бузишига йўл қўйган давлат ташкилотларига нисбатан кўрилган чоралар, бундай ҳолатларни олдини олиш борасида амалга оширилаётган чоралар тўлиқ ёритиб ўтилмаган. Ваҳоланки, ушбу масалалар талабини битирув олди ишлаб чиқариш амалиёти ҳисоботида қелтирилган. Улардан БМИни ёзишда фойдаланиш муҳим эди. Ўйлаймизки, ушбу ишни ҳимоя этиш кунига қадар кўрсатиб ўтилган камчилик бартараф этилади.

Талабанинг юқорида қелтирилган масалалар доирасида фикрлаши қобилятини ва БМИ мавзусига тааллуқли масалаларни ҳал этишга бўлган қарашларини эътиборга оладиган бўлсак, у келажакда етук мутахассис бўлиб етишишига ва мамлакатимиз ғазна тизими ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўша олади деб ўйлаймиз.

Умуман Садуллаев Ориф томонидан бажарилган битирув малакавий иши талабга жавоб беради, шу боис у кишининг битирув малакавий ишини якуний ДАК олдида ҳимоя қилишини ва ДАК аъзолари томонидан у кишига бакалавр даражасини берилишини мақсадга мувофиқ деб биламан.

Илмий раҳбар



асс. Рузибаева Н.

## Мундарижа

|                                                                                                                                                                           |           |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| <b>Кириш.....</b>                                                                                                                                                         | <b>3</b>  |
| <b>I Боб. Ғазначилик тизимида ғазна мажбуриятларини амал қилиш хусусиятлари</b>                                                                                           |           |
| 1.1. Ғазначилик тизимини шаклланиши ва ривожланиши шароитида ғазна мажбуриятларини амал қилиш зарурияти.....                                                              | 7         |
| 1.2. Ғазна мажбуриятларини хусусиятлари.....                                                                                                                              | 12        |
| 1.3. Ғазна мажбуриятларининг чиқарилиш шартлари.....                                                                                                                      | 15        |
| <b>II Боб. Давлат қарз мажбуриятларини бошқаришни амалдаги ҳолати</b>                                                                                                     |           |
| 2.1. Давлат қарз мажбуриятларини бошқаришни аҳамияти.....                                                                                                                 | 20        |
| 2.2. Давлат қарз мажбуриятларини молиялаштириш усуллари.....                                                                                                              | 24        |
| 2.3. Давлат қарз мажбуриятларини турлари ва таснифланиши.....                                                                                                             | 27        |
| <b>III Боб. Ғазначилик органлари орқали бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятларини тўлаш тартибини бошқариш муаммолари</b>                                          |           |
| 3.1. Ғазначилик органлари томонидан бюджет ташкилотларида давлат қарзларини юзага келтирувчи омилларни сабаблари.....                                                     | 33        |
| 3.2. Ғазначилик органлари томонидан давлатнинг ички ва ташқи молиявий қарз мажбуриятларини бошқариш йўллари.....                                                          | 35        |
| 3.3. Ғазначилик органлари томонидан давлат қарз молиявий мажбуриятларини тўлаш тартибини бошқариш йўллари.....                                                            | 39        |
| <b>IV Боб. Нуробод туман Ғазначилик бўлимида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари</b>                                                       |           |
| 4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти.....                                                                                                                          | 45        |
| 4.2. Нуробод туман Ғазначилик бўлими ходимлари меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари.....                                                               | 47        |
| 4.3. Нуробод туман Ғазначилик бўлимида фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари.....                                                                               | 55        |
| 4.4. Нуробод туман Ғазначилик бўлимида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммаллаштириш йўллари..... | 62        |
| <b>Хулоса.....</b>                                                                                                                                                        | <b>65</b> |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>                                                                                                                              | <b>67</b> |

## Кириш

Бутун дунёда қимматли қоғозларни марказлаштирилган усулда чиқаришдан мақсад, кенг маънода давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш воситаси сифатида, тор маънода эса пул муомаласига ва пул массаси ҳажмини тартибга солишга таъсир қилиш дастаги сифатида, давлат ва маҳаллий бюджет тақчиллигини ноэмиссион усулда қоплаш воситаси сифатида, корхоналар ва аҳолининг пул маблағларини аниқ масалаларини ҳал қилишга жалб қилиш мақсадида фойдаланилади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги даврда иқтисодиётни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш хўжалик юритувчи давлат субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини тўғри йўлга қўйишга, уларнинг молиявий барқарорлиги ва тўловга лаёқатлилигини таъминлашга хизмат қилади. Иқтисодиётни модернизациялаш хизмат сифати ва баҳосига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиб, молия бозорида рақобатбардошлигини таъминлашга ва натижада уларда мажбуриятларнинг асоссиз кўпайиб кетишининг олдини олишига имкон яратади. Бу ҳақда Президентимиз И.А. Каримов сўз юритар экан, шундай дейди: “Биз жорий этган бундай механизм банкрот корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш учун банклар томонидан қўшимча инвестиция киритиш, ана шундай корхоналарни молиявий соғломлаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва замонавий бошқарув усуллари тadbик этиш, шунингдек, иш ўринларини қайта тиклаш ва янги иш ўринларини яратишни кўзда тутади”<sup>1</sup>.

Мамлакат иқтисодиётининг тараққиёти ва ривожда молиявий мажбуриятлар миқдорини камайтириш муҳим аҳамиятга эга ва унинг

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 10 б.

моҳиятини чуқур англаб етиш талаб этилади. Мажбуриятлар хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатига ва тўлов қобилятига бевосита таъсир қилади. Шу сабабли уларни даражасини билиш, қайтариш муддатларига риоя қилиниши масалалари муҳим саналади.

Ғазна тизимида мажбуриятларни баҳолаш ва молиявий ҳисоботларда акс эттиришга оид муаммолар вужудга келмоқда. Бу эса мажбуриятларни иқтисодиётнинг ҳозирги шароитидага мос назарий ҳамда методологик негизларини чуқур илмий изланишлар асосида тадқиқ этиш, уларнинг натижаларини амалиётда қўллашни тақозо этади.

Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда иқтисодий ночор ҳолатга тушган корхоналарнинг деярли барчасида мажбуриятлар миқдори сезиларли даражада юқори эканлиги айтилиб ҳақиқатдир. Иқтисодиётда мажбуриятлар ўз маблағларига нисбатан анча кўп бўлган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Ушбу каби ҳолат хўжалик юритувчи субъектларда мажбуриятлар ҳисобини тўғри ташкил қилиш, уларнинг ҳолати ва ҳаракатини тадқиқ қилиш заруриятини туғдиради.

Ҳозирги кунда корхоналарнинг реал имкониятига ҳолисона баҳо бериш, уларнинг мажбуриятлари миқдорини тўғри белгилаш ниҳоятда долзарб масалалар қаторига киради. Молиявий ҳисобот шаклларида мажбуриятлар миқдорининг тўғри баҳоланишига оид методологик муаммоларни тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратиш керак деб ҳисоблаймиз.

Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун илмий асосланган тадқиқотлар олиб бориш зарурияти туғилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мажбуриятларнинг таҳлилий ва назарий асосларини яратиш бўйича хориж иқтисодчи олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган. Улар жумласига Х.Андерсон, Д.Колдуэлл, Я.В. Соколов, Т.П. Карпова, В.П. Палий, А.Д. Шереметларни киритиш мумкин.

Республикаимиз иқтисодчи олимлар томонидан дарслик, монография ва ўқув қўлланмалар, шунингдек, эълон қилинаётган илмий мақола ва тезисларда мажбуриятлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий муаммолари қисман ўрганилган. Масалан, А.В. Ваҳобов, Ж.Р. Зайналов, А.К. Ибрагимов, Б.А. Хасанов, М.К. Пардаев, К.Б. Уразов, Х.Н. Мусаев ва бошқаларнинг асарларида мажбуриятларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилишнинг назарий жиҳатларини ривожлантириш муаммолари ўрганилган. Лекин шунга қарамай, биз танлаган мавзу бўйича изланиш ишини олиб бориш муҳимдир, чунки чоп этилган ишларда асосан ишлаб чиқариш корхоналарни мажбуриятларига диққат қаратилган. Давлат идораларига нисбатан бундай масала ўрганилмаган.

**БМИ мақсади:** Ҳазначилик органлари орқали бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятларини тўлашни тартибли ташкил этиш қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**БМИ вазифалари:**

- Ҳазначилик тизимини шаклланиши ва ривожланиши шароитида Ҳазна мажбуриятларини амал қилиш заруриятини тадқиқ қилиш;

- Ҳазна мажбуриятларини хусусиятлари ва чиқарилиш шартлари ўрганиш;

- давлат қарз мажбуриятларини бошқаришни аҳамиятини асослаш;

- давлат қарз мажбуриятларини молиялаштириш усуллариини ёритиш;

- давлат қарз мажбуриятларини турлари ва таснифланишини ёритиш;

- Ҳазначилик органлари томонидан бюджет ташкилотларида давлат қарзларини юзага келтирувчи омилларни сабабларини асослаш;

- Ҳазначилик органлари томонидан давлатнинг ички ва ташқи молиявий қарз мажбуриятларини бошқариш йўллариини кўрсатиш;

- Ҳазначилик органлари томонидан давлат қарз молиявий мажбуриятларини тўлаш тартибини бошқаришга йуналтирилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар тайёрлаш.

**БМИ объекти.** Ғазначилик органлари орқали бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятларини тўлашни тартибли ташкил этиш жараёнлари илмий тадқиқот ишининг объекти ҳисобланади.

**БМИ предмети:** Ғазначилик органлари орқали бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятларини тўлашни тартибли ташкил этиш жараёнида юзага келаётган молиявий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**БМИ методлари.** Битирув малакавий ишида иқтисодий-статистик таҳлиллар, илмий билиш, молиявий, таҳлил, таққослаш усулларида кенг фойдаланилган.

**БМИнинг тузилиши ва ҳажми.** БМИ таркибий жиҳатдан кириш, уч боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат. БМИ матни 67 саҳифадан иборат бўлиб, унда 1 та диаграмма ва 4 та чизма келтирилган.

# **I БОБ. ҒАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИДА ҒАЗНА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ АМАЛ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

## **1.1. Ғазначилик тизимини шаклланиши ва ривожланиши шароитида ғазна мажбуриятларини амал қилиш зарурияти**

Давлатнинг молия-бюджет сиёсатида ғазна мажбуриятлари маблағларни сафарбар қилиш ва пул-кредит стратегиясининг тадбирлардан бирини амалга ошириш сифатида ишлатилади. Улар асосан мамлакатнинг Марказий Банки иштирокида Молия вазирлиги (Ғазначилик) томонидан чиқарилади. Демак эмитент Молия вазирлиги бўлади, албатта, ғазна мажбуриятларини чиқариш ва муомалага киритиш меъёрий хужжатлар билан тартибга солинади.

Биз биламизки, ҳозирги замон бозор иқтисодиётида қимматли қоғозларнинг асосий эмитентларидан бири-давлат бўлса, кўпинча ғазначилик сифатида намоён бўлади. Эмитентлар-қимматли қоғозларни чиқарадиган ва молия ресурсларини жалб қиладиган юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади. Инвесторлар- қимматли қоғозларни сотиб оладиган ва бу билан ўзгаларнинг бўш молиявий ресурсларини жойлаштирадиган юридик ҳамда жисмоний шахслар ҳисобланади.

Ғазна мажбуриятлари бу-давлат эмитет бўлган қимматли қоғозлар ёки унинг охириги эгасига маълум белгиланган шартлар асосида номинал суммаси ва фоизларни тўлаши бўйича давлатнинг мажбуриятлари десак бўлади.

Ғазна мажбуриятлари корхонанинг кредитор қарздорлигини ёпиш ёки бюджетга солиқлар тўлаш мажбуриятини олиш учун мўлжалланган. Ҳар бир мажбурият тўлов фоизи учун купонга бириктирилган сертификатларни билдиради. Қарз олувчи қарзни қайтарганда шу қимматли қоғознинг эгаси қанча миқдорда пул олиши мумкинлигини сертификат қонуний хужжат сифатида асослайди.

Ғазна мажбуриятлари номи ёзилган ёки ёзилмаган бўлиши мумкин. Агар мажбурият номи ёзилган бўлса, бу шуни билдирадики, қоидага мувофиқ Марказий Банкда қимматли қоғоз эгаларининг номи сақланади, иккинчи ҳолатда эса қимматли қоғоз эгаларининг номи ёзилган рўйхат бўлмайди.

Ғазна мажбуриятлари-эгаларининг бюджетга пул маблағлари тўлаганлигини тасдиқлайди ва шу қоғозларга эгалик қилишнинг бутун муддати мобайнида белгиланган даромадни олиш ҳуқуқини берадиган давлатнинг қимматли қоғозларидир.

Ғазна мажбуриятлари узоқ муддатли, ўрта муддатли ва қисқа муддатли бўлади, узоқ муддатли мажбуриятлар 5-30 йилгача муддатда, ўрта муддатли мажбуриятлар 1-5 йилгача муддатда муомалада бўлади, қисқа муддатли ғазна мажбуриятлари 3, 6, 12 ойга чиқарилади. Ғазна мажбуриятлари облигациялардан имкониятларининг кўплиги ва даромад олиш шартларининг турли-туманлиги билан фарқ қилади.

Масалан, АҚШда Ғазначилик бошқа мамлакатлардаги каби давлатнинг қимматли қоғозларини чиқаришни ва ҳисобини назорат қилади ҳамда уларнинг тўлов муддатларни белгилайди ва аукционларда уларни жойлаштиришни назорат қилади. Шу билан бирга, Ғазначилик давлатнинг қимматли қоғозларини иккиламчи бозорининг қоидаларини белгилайди, Ғазначилик қисқа муддатли касса талабларини қоплаш учун доимий ҳафталик қимматли қоғозларни чиқаради.

Турли мамлакатларда мазкур қимматли қоғознинг бозори ҳар ҳил кўламда бўлиши мумкин, лекин бугунги кунда АҚШ даги бозор энг катта ва нисбатан ликвидли ҳисобланади. АҚШ нинг Молия вазирлиги мажбуриятларни маълум цикл асосида чиқаради, бошқа ҳукуматлар мажбуриятлар эмиссиясини фақат керак бўлган пайтдагина амалга оширади.

Кўп ҳолларда «иккинчи пул» деб ҳисобланадиган бу ғазна мажбуриятларини «таркибий буллит»<sup>2</sup> деб юритишар экан. Бунинг маъноси шуки, вақтнинг аниқ белгиланган даври давомида фоизлар тўланади, ғазна мажбуриятларини қоплаш пайтида номинал қайтарилади. Ҳар бир мажбурият тўлов фоизи учун купонга бириктирилган сертификатларни билдиради. Қарз олувчи қарзни қайтарганда шу қимматли қоғознинг эгаси канча миқдорда пул олиши мумкинлигини сертификат қонуний ҳужжат сифатида асослайди.

Ғазначилик мажбуриятнинг эгаси бу қимматли қоғоз билан қуйидаги операцияларни амалга ошириши мумкин:

1.Кредитор қарздорлиги ёпиш йўли билан ғазна мажбурияти кредиторнинг счётига ўтказилади. Мазкур операцияда сертификатда белгиланган мажбурий ҳисоб-китоблар номинал баҳода, мажбурий бўлмаган ҳисоб-китоблар келишилган баҳода амалга оширилади. Бу операцияларни амалга ошириш учун кредиторнинг ҳам, дебиторнинг ҳам ғазна мажбуриятининг шу сериясига хизмат қиладиган банк-депозитаридаги «депо» типдаги счёти очик бўлиши керак, бу операция учун тўлов қоғозлари белгиланган шаклда тўлдирилади.

2.Иккиламчи бозорда ғазна мажбуриятлари ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга (резидентларга) сотилади. Операцияда индоссаментлар сони чегараланмаган, бу операцияларда баҳо келишилган бўлади.

3.Банк-депозитарийда албатта, рўйхатдан ўтган ғазна мажбуриятлари кредит олиш мақсадида гаров бўлади.

4.Солиқдан, жумладан, давлат бюджетига тўловдан озод қилишга ғазна мажбуриятини алмаштириш мумкин.

Давлат бюджети олдидаги қарзни ёпиш учун глобал сертификатда кўрсатилган солиқдан озод қилиш кунини билиш лозим. Мазкур операцияда солиқдан озод қилиш суммаси қуйидагича ҳисобланади.

$$Tk = N + N * (t * P / 100) / 360 \quad \text{бунда:}$$

---

<sup>2</sup> Буллит( '3; bullet) - бир марта қопланадиган мажбурият.

**Тк - ғазна мажбуриятининг жорий курси;**

**N - ғазна мажбуриятининг номинали;**

**P- ғазна мажбуриятини даромадлилигини фоиз ставкаси;**

**t - муддат, шу ғазна мажбуриятининг муомаладаги вақти.**

Жаҳон амалиётида қабул қилинган давлатнинг қимматли қоғозлари жумласига қуйидагидар киритилади.

1. Ғазна векселлари- билетлари одатда чиқарилган вақтидан бошлаб бир йил мобайнида узилади ва дисконт тарзда, яъни улар узиладиган номиналидан паст нархда сотилади.

2. Ўрта муддатли ғазна векселлари, ғазна бонлари-бир йилдан беш йилгача муддатда узиладиган мажбуриятлар; одатда, белгиланган фоиз тўлаш шарти билан чиқарилади.

3. Узоқ муддатли ғазна мажбуриятлари - беш йилдан 30 йилгача муддатда узилади, улар бўйича купон фоизлари тўланади. Бундай қимматли қоғозларни эгалари муддат тугаганидан сўнг уларнинг қийматини нақд пул билан олиши ёки бошқа қимматли қоғозларни қайта молиялаштириши мумкин.

Ғазна векселлари инвесторларни жуда қизиқтиради, чунки улар ишончли, ликвидли ва даромадлари кафолатланган. Одатда янги чиқарилган векселлар дастлаб кимошди савдосида сотилади, бу ерда сотувчи сифатида молия муассссининг ўзи, харидор сифатида махсус диллерлар, ишлаб чиқариш тузилмалари иштирок этади.

Ғазна векселлари- билетлари одатда чиқарилган вақтидан бошлаб бир йил мобайнида узилади ва дисконт тарзда, яъни улар узиладиган номиналидан паст нархда сотилади.


Масалан, ғазна векселларининг номинал қиймати 100 сўм бўлса, очик савдода 96 сўм дисконт нархида сотилади. Ана шу фарқ унинг даромадлилигини белгилайди, қайтариш пайтида Ғазна векселлари- эгаси номинал қийматни, 100 сўмни олади. Агар қайтариш муддати 94 кун бўлса

$$[(100-96)/96] * [365*100/94]=15,5 \text{ фоиз}$$

Одатда ғазна билетлари тарқатувчилари сифатида тижорат банклари ва инвестиция диллерлари фаолият кўрсатиши мумкин. Тижорат банклари ғазна билетларини ўз захиралари сифатида, инвестиция диллерлари эса иккиламчи бозорда фирмалар корпорациялар ва хусусий шахсларга сотиш учун харид қилишади, ғазна билетлари сотиб олингач, улар иккиламчи бозорда айлана бошлайди. Ғазна билетлари қисқа муддатли қимматли қоғоз бўлганлиги учун қисқа муддат ичида уларнинг эгалари кўплаб миқдордаги векселларни қайтариши мумкин.

Ғазна билетларининг такомиллашган тури мавжуд, бу жамғарма облигациялари дейилади, улар эгаси номига қайд қилинади ва уларни сотиб бўлмайди. Уларни айрим кишилар ёки баъзи инвестиция фондлари чекланган миқдорда сотиб олиши мумкин, уларнинг эгаси исталган пайтда қийматини қайтариб олиши мумкин, бу эса уларни юқори ликвидли қилади. Биз биламизки, ликвидлик қимматли қоғознинг эгаси учун унча йўқотишларсиз, бозор қиймати ва сотиш чиқимларидаги кичик ўзгаришлар билан тез сотилиши ва пул маблағига айланиш хусусиятидир. Жамғарма облигациялари бир йилда бир марта чиқади, уни нақд пулга ёки иш ҳақидан ушлаб қолиш йўли билан харид қилиш мумкин, келадиган даромади чек шаклида почта орқали ёки банкда тўланади.

Тўлов уч босқичда амалга оширилади (1-чизмага қаралсин)



1-чизма.

## 1.2. Ғазна мажбуриятларини хусусиятлари

Ғазна мажбуриятлари қуйидаги хусусиятларга эга бўлади:

- бюджет тақчиллигини эмиссиясиз молиялаштиришнинг ва уни барқарорлаштиришнинг манбаи;
- жорий бюджет қарздорлигини қоплаш ва бюджетдан молиялаштириш оғирлигини юмшатиш усули;
- давлат бюджетига тўлов тўлашнинг қисқартириш йўли;
- давлат бюджетига қарз бўлган корхоналар ўртасида қарзни тўлашни озгина фоиз ҳисобига узайтиришнинг усули;
- давлатнинг корхоналардан-давлат буюртмаси бўлган мол етказиб берувчилардан қарздорлигини ёпиш усули бўлиши мумкин.

Ғазна мажбуриятлари ваколат берилган депозитарийда (хужжатсиз шаклда) ҳисобрақамда ёзув шаклида чиқарилади. Бунда Марказий банк фақат депозитарий сифатида фаолият кўрсатмайди, балки унинг охириги эгасига пуллик ҳисоб-китобларини амалга оширувчи тўлов агенти бўлиб катнашади. Ғазна мажбуриятларини қоплаш пайтида унинг эгасининг шу счётдан олган кўчирмаси ғазна мажбуриятларига эгалик ҳуқуқини тасдиқлайди.

Ғазна мажбуриятлари сериялар билан чиқарилади, ҳар бирининг хусусий рақами мавжуд. Ҳар бир сериянинг чиқиши тўғрисида давлатнинг қарз китобига ёзилади, ғазна мажбуриятлари сериясининг жами суммаси глобал сертификат билан расмийлаштирилади, глобал сертификат икки нусхада тайёрланади, бири ваколат берилган депозитарийда, иккинчиси Молия Вазирлигида сақланади.

Глобал сертификат параметрлари Молия вазирлиги буйруғи билан берилади, кейин глобал сертификатда ўз ифодасини топади. Молия Вазирлиги депозитарийдан ғазна мажбуриятлари тўғрисида ахборотлар талаб қилиши мумкин, ойда бир маротаба депозитарий ушбу ахборотларни тақдим қилади.

Глобал сертификатга чиқарилган сериянинг барча кўрсаткичлари мухрланади: ғазна мажбуриятларининг чиқарилган куни, сериянинг рақами, ғазна мажбуриятининг номинали, фоиз ставкаси, чиқарилган ғазна мажбуриятларининг умумий ҳажми, қоплаш кунининг бошланиши, муомала қилиш муддати, ғазна мажбуриятларини кредитор қарздорликни ёпиш воситаси сифатида қатнашган операцияларнинг максимал сони, ғазна мажбуриятларини солиқдан озод қилишга алмаштириш муддати ва серияга тааллуқли бошқа қўшимча маълумотлар берилади.

Ваколат берилган депозитарийлар биринчи эгаларга глобал сертификатга асосан, бошқа эгаларга уларнинг аризасига мувофиқ депо ҳисобрақамини (счётини) очади. Ғазна мажбуриятига эгалик ҳуқуқи депо ҳисобрақамининг кўчирмаси билан тасдиқланади, ҳар бир сериянинг муомала муддати тугаганидан сўнг глобал сертификат ёпилади. Ғазна мажбуриятининг ҳар бир серияси халқ ҳўжалигининг маълум бир тармоғи билан, биринчи навбатда, катта миқдорда бюджет маблағларини олувчилари билан боғлиқ бўлади.

Ғазна мажбуриятларини чиқариш ва муомалага киритиш меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Ғазна мажбуриятларини давлат рўйхатидан ўтказилган рақами саккиз разряддан иборат. Биринчи номер-халқ ҳўжалигининг аниқ тармоғини билдирадиган рус алфавитининг ҳарфи, иккинчи ва учинчи разрядлар мазкур серияни чиққан кунини билдиради. Тўртинчи, бешинчи ва олтинчи разрядлар чиқарилган сериянинг йили ва ойини кўрсатади. Еттинчи ва саккизинчи разрядлар сериянинг тартиб рақамини билдиради. Масалан, ғазна мажбуриятларини 1995 йил 1 декабрдаги 87-серияси қуйидагича рақамланади. Ш-0112587.

Ғазна мажбуриятларининг ўзига хос хусусияти шундаки, қатор шартларга риоя қилингандагина, улар ўзининг вазифаларини бажаради. Масалан, хазина мажбуриятлари иккиламчи бозорда маълум шарт бажарилгандан кейингина эркин муомалада бўлади, яъни депозитарийдаги шартномада кредитор қарздорликни ёпиш операцияларининг сони

тасдиқланиши керак. Ана шундагина, ғазна мажбуриятлари фаол, бозорбоп, айланувчан, котировка қилинадиган молия дастаги бўлиши мумкин.

Ғазна мажбуриятлари ҳисоб-китоб, тўлов вазифасини бажариши жараёнида ўзининг контрагентларидан биттадан бештагача индоссаментлар олиши керак, индоссаментлар сони ғазна мажбуриятларининг у ёки бу чиқарилган сериясининг шартларига боғлиқ бўлади. Бунда шундай мақсад кўзда тутилганки, яъни ғазна мажбуриятлари тақдим қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматларга тўлов сифатида чегараланмаган ҳолда қабул қилинади, шунингдек, ғазна мажбуриятлари гаров ашёси, солиқдан озод қилиш воситаси ҳам бўлиши мумкин. Фақат тозаланган ғазна мажбуриятлари солиқдан озод қилиш воситаси бўлиши мумкин. Хаттоки, махсус «тозалаш» операцияси мавжуд бўлади, яъни аниқ молия институтлари белгиланган комиссиялар эвазига ғазна мажбуриятлари бланкасида индоссаментларни амалга оширадилар.

Индоссамент -қимматли қоғоз устидаги ушбу ҳужжат бўйича ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтказилганлигини тасдиқловчи ўтказма ёзув.

Индоссамент куйидаги турларда бўлиши мумкин:

- ▶ эгасининг номи ёзилган индоссамент қимматли қоғознинг янги эгасини белгилаб беради, унинг бундан кейинги ўтказилиши учун эгасининг имзоси зарур;

- ▶ бланкли индоссамент қимматли қоғоз ўтказиладиган шахсни белгиламайди, фақат ўтказиш амали белгиланади;

- ▶ қайтарилмайдиган индоссамент қимматли қоғоз эгаси уни ўтказиш чоғида ўтказма ёзув «менга қайтарилмасин», деган иборани киритиши ва бу билан тўланмаган ҳамда тўланмаганлик норозилиги билдирган ҳолда жавобгарликни ўзидан соқит қилиши мумкин, кейинги индоссаментларга бундай ҳуқуқ берилмайди.

Ёзувда юқорида қайд этилган иборанинг бўлиши ғазна мажбуриятини тўланмаслиги эҳтимоли шубҳасини келтириб чиқариши мумкин, унга нисбатан ишончни йўқотиши ва уларнинг айланувчанлик

даражасига таъсир кўрсатиши мумкин. Индоссамент одатда ҳужжатнинг орқа томонида ёки қўшимча вараққа қўйилади. Агар қимматли қоғозда ўтказма ёзувлар учун жой қолмаса, унга қўшимча варақ-«аллонж» ёпиштирилади, лекин индоссамент ғазна мажбуриятининг ўзида бошланиб алонжда тугалланиши керак бўлади.


Индоссаментни бажарган шахс индоссант деб номланади. Индоссамент ҳужжат унинг фойдасига ўтказилаётган шахснинг кўрсатмасини ўзида мужассамлаштириши ёки индоссантнинг битта имзосидан иборат бўлиши мумкин. Ўтказма ёзувлар қуйидаги кўринишга эга бўлиши мумкин: «буйруқ бўйича тўланг» ёки «бизнинг ўрнимизга тўланг». Имзо ташкилот муҳри билан мустаҳкамланиши керак.

Айтиш мумкинки, ғазна мажбуриятларининг хусусиятлари шундан иборатки, бу давлатнинг қимматли қоғозларидан бири сифатида солиқдан озод қилиш ва ҳисоб-китоб воситаси сифатида мужассамлаштирган гибридланган қимматли қоғоз ҳисобланади. Масалан, ғазна мажбуриятлари қисқа муддатлилиги билан векселга ўхшасада, бундан ташқари, табиатан у айланувчан бўлади. Хулоса қилиб айтганда, ғазна мажбуриятлари давлат, нақд бўлмаган, қисқа муддатли, бозорбоп, гибрид, муомаласи чегараланган, узок муддатли ва бошқа шу каби хусусиятларга эга бўлган қимматли қоғоз деб характерланади.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажат тўловларини амалга ошириш механизми 2-чизмада акс эттирилган.

### **1.3. Ғазна мажбуриятларининг чиқарилиш шартлари**

Ғазна мажбуриятининг чиқарилиш шартларида унинг муомалада бўлишини чегараланган ва чегараланмаган шаклда бўлиши кўзда тутилган бўлади. Ундаги чекловларга қуйидагилар киради: хазина мажбуриятини номинал нархида фақат кредитор қарздорликни ёпиш мақсадида ишлатади, хазина мажбуриятини бирламчи бозорда фақат ҳуқуқий шахсларга ўтказилиши мумкин.



**2-чизма. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажат тўловларини амалга ошириш механизми**

Юқорида кўрсатилган чегараларни кўзда тутган ҳолда кредитор қарздорликни ёпиш операцияларни ўтказишнинг максимал сони, ҳисоб-китоб муддатининг ва солиқдан озод қилишга алмаштиришнинг муддати белгиланган, албатта, бу чегараларнинг ижро этилиши ваколат берилган депозитарийлар томонидан депозитарий ва Молия вазирлиги томонидан тузилган шартномага асосан назорат қилинади.

Ғазна мажбуриятининг биринчи эгаларининг (давлат вазирликлар ва идоралар) иқтисодий қизиқишлари биринчидан эммитентнинг қизиқишлари каби бўлади, иккинчидан уларнинг корхоналар ва ташкилотлар олдидаги қарздорлигини ёпиш, маълум тармоқларнинг бюджетга тўловини қисқартириш, нақд ҳисоб-китоб воситаларига бўлган эҳтиёжни камайтириш каби ўзларининг хусусий қизиқишлари мавжуд бўлади.

Ғазна мажбуриятининг оралиқдаги эгалари – булар ўша бюджетнинг қарзи ғазна мажбуриятлари билан хужжатлаштириладиган корхона ва ташкилотлар бўлиб, уларнинг қизиқишлари нималардан иборат?

Ғазна мажбуриятлари уларга молия ресурсларини бошқаришда бир қадар эркинликни беради. Корхоналар бу мажбуриятлар билан тақдим қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун, жумладан, жисмоний шахслар билан ҳисоб-китоб қилишлари мумкин, улар ўзларининг ҳазина мажбуриятини ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга (резидентларга) сотишлари мумкин. Мазкур корхоналар ўзларининг кредитор қарзларини ғазна мажбуриятларини кредиторнинг ҳисобрақамига ўтказиш билан ёпишлари мумкин. Ғазна мажбуриятларини номиналдан юқори баҳода сотиш билан, фойда олиш имконига эга бўлади, айланма маблағларини тўлдиради.

Пировардида, ғазна мажбуриятларини гаровга бериш билан корхона банк кредитини олиши мумкин. Ғазна мажбурияти-нинг охириги эгалари-булар оралиқ ёки биринчи эгаларнинг қарздор бўлган шахслар ҳисобланади.

Ғазна мажбуриятининг оралиқ эгалари аксарият ҳолларда ҳар доим хизматларидан фойдаланадиган контрагентлардан (транспорт, алоқа корхоналаридан) ўзларининг қарздорлигини ёпиш учун ғазна

мажбуриятларини қўллашади, асосан, бу корхоналар ичида ёқилғи-энергетика комплекслари кўп учрайди. Улар ғазна мажбуриятининг охирги эгаларини асосий қисмини ташкил қиладилар. Ғазна мажбуриятларининг даромадлилиги давлатнинг бошқа қимматли қоғозининг даромадлилига тенг ёки ундан юқори бўладиган манзарани кўриш мумкин.

Барибир, ғазна мажбуриятининг охирги эгалари учун фойда томони ғазна мажбуриятини солиқдан озод қилишга алмаштиришдир. Ғазна мажбурияти эгаларининг ғазна мажбуриятларини солиқдан озод қилишга алмаштириш тўғрисидаги аризасига биноан аризачилар солиқ тўлаш бўйича (жарима ва пенялар қўлланилмайди) муддат олади. Ғазна мажбуриятлари ёрдамида турли солиқларни, жумладан, давлат бюджетига тўловларни тўлаш, шунингдек, улардан пенсия фондига тўловлар сифатида фойдаланиш мумкин. Баъзи бир корхоналарнинг қўлида ғазна мажбуриятларидан тўғри фойдалана олган ғазна мажбуриятининг турли серияларининг бутун пакети мавжуд.

Ғазначилик ғазна мажбуриятлари бозорининг очиқлиги тўғрисида чора-тадбирлар кўради:

- ғазна мажбуриятларининг ҳар бир серияси тўғрисида, уни қоплаш муддати бошланиши тўғрисида, ғазна мажбуриятини солиқдан озод қилишга алмаштириш тўғрисида, ахборотлар беради;
- ҳар ҳафта ғазна мажбуриятларини қоплаш ва солиққа алмаштиришдаги жорий нархи тўғрисида ахборотлар нашр қилади;
- ҳар ойда ғазна мажбуриятларининг қопланиши тўғрисида ахборотлар нашр қилади;
- ваколат берилган депозитарий эмитентнинг ва ғазна мажбуриятлар эгаларининг розилигисиз ҳеч қандай ахборотлар берилмайди;
- ғазна мажбуриятларининг эгалари тўғрисида маълумотлар сир сақланади.

Ғазна мажбуриятлари бирламчи ва иккиламчи бозорда тўғридан-тўғри инвестициялаш йўли ёки шартномалар воситаси сифатида хизмат

қилади. Тадбиркорлар ғазна мажбуриятлари билан фойда олиш мақсадида қисқа муддали спот шартномаларни тузишлари мумкин, лекин ғазна мажбуриятларининг функциялари бу билан чегараланмайди.

## **II БОБ. ДАВЛАТ ҚАРЗ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ**

### **2.1. Давлат қарз мажбуриятларини бошқаришни аҳамияти**

Умумдавлат эҳтиёжларини молиялаштириш учун зарур бўлган пул ресурсларининг асосий қисми солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар шаклида жалб қилинади. Иқтисодиётнинг молиявий ҳолати барқарор бўлмаганда, давлат даромадларининг камайиб кетган шароитда давлат ўзининг харажатларини қоплашга бошқа манбалардан ҳам маблағ жалб қилишга мажбур бўлиб қолади. Давлат томонидан жалб қилишнинг асосий шакли бўлиб давлат кредити ҳисобланади. Давлат кредити - бу давлат билан юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги кредит муносабатларидир. Бу ерда давлат, асосан, қарз оловчи бўлиб ўтади. Давлат кредити ҳукумат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан олинган кредитларни давлатнинг кафолат мажбуриятлари шаклида чиқиши ҳам мумкин. Кафолат мажбурияти - бу кредиторга қарздордан унга берилиши лозим бўлган суммани ўз вақтида тўланилишини таъминлаш кафиллигини олган орган томонидан берилган ҳужжатдир. Кафолат мажбуриятининг таъсир кучи кафолат хатида кўрсатилган ҳамма сумма тўлалигича тўланганидан сўнг тугайди. Давлат заёмлари - давлатнинг қимматли қоғозларини сотиш йўли билан амалга оширилади. Шу йўллар билан давлат қарзи шаклланади.

Давлат кредитлари умумдавлат молиясининг муҳим элементи бўлиб, бунда кредитор сифатида юридик ва жисмоний шахслар ўтса, давлат номидан қарз оловчи бўлиб эса давлат органлари ўтади. Халқаро муносабатлар доирасида давлат бир вақтда ҳам кредитор, ҳам қарз оловчи бўлиб ўтади.

Давлат кредити қайтарилиши ва тўланиши асосида берилади. Давлат кредити банк кредитидан фарқ қилади. Давлат кредити орқали йиғиладиган қўшимча молиявий ресурс-лар ишлаб чиқариш капитали айланишида қатнашмайди, балки бюджет тақчиллигини қоплаш учун ишлатилади. бюджет тақчиллиги - бу муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет

даромадларидан ортиқ бўлган суммасидир. Давлат томонидан маблағлар жалб қилинганда кредитнинг таъминоти бўлиб давлатнинг барча мол-мулки ҳисобланади.

Давлат кредитининг ишлаб туриши давлат қарзини пайдо бўлишига олиб келади. Давлат қарзи - бу давлат томонидан ички маблағни ва хориждан маблағ - жалб қилиш натижасида вужудга келган муайян мамлакатнинг мажбуриятларини йиғиндисидир. Бу сумма давлатнинг қарз олди-берди билан боғлиқ чиқарилган ва қайтарилмаган, улар бўйича ҳисобланган фоизларни ҳисобга олган ҳолда, давлатнинг мажбуриятлари сифатида намоён бўлади.

Давлат кредити ўзининг иқтисодий моҳияти бўйича ялпи ички маҳсулотни иккинчи маротаба қайта тақсимлаш шакли ҳисобланади. Унинг манбаси бўлиб аҳолининг, корхона ва ташкилотларнинг бўш маблағлари ҳисобланади. Давлат кредитидан фойдаланиш давлат ихтиёрига маблағларни жалб этишнинг асосий шаклидир. Шу тартибда жалб қилинган маблағларни давлат бюджети тақчиллигини қоплашда фойдаланиш давлатнинг молиявий ҳолати учун давлат бюджети тақчиллигини пул эмиссияси ёрдамида қоплаганга қараганда камроқ салбий оқибатларга олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси келгуси молия йили учун Давлат бюджетини қабул қилаётганда давлат ички ва ташқи қарзининг энг юқори миқдорларини тасдиқлайди.

Давлат томонидан ички ва хориждан маблағ жалб қилишга ҳамда давлат қарзи кўпайишига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган бошқа орган томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунида давлат бюджети тақчиллиги: (а) давлат томонидан ички ва хориждан маблағларни жалб қилиш; (б) республика бюджети маблағларининг молия йили бошланишидаги колдиклари ҳамда (в) қонунларга мувофиқ бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети таснифини қўллаш бўйича йўриқномага (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 11 октябрда 2146-сон билан рўйхатга олинган) илова қилинган Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари **таснифида** давлат бюджети тақчиллигини **молиялаштиришнинг ички манбалари сифатида**: давлат қимматли қоғозларини жойлаштиришдан тушган маблағлар; Марказий банк кредитлари; давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағлар; Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағларининг қолдуй; Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия фонди маблағларининг қолдиғи; бандликка кўмаклаш фонди маблағларининг қолдиғи; Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл фонди маблағларининг қолдиғи; Ўзбекистон республикаси Давлат мулк кумитасининг махсус ҳисобвараги маблағлари ва бошқа ички манбалардан жалб қилинадиган маблағлар, ташқи **манбалари сифатида** эса: давлат қимматли қоғозларини жойлаштиришдан тушган маблағлар; халқаро молиявий инсти-тутлар, ташкилотлар кредитлари; хорижий давлатлар кредитлари ва бошқа ташқи манбалардан жалб қилинадиган маблағлар кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунига кўра давлат томонидан ички манбалардан ва хориждан маблағ жалб қилиш: (а) иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йуналишларини, шу жумладан давлат инвестиция дастурларини молиялаштириш; (б) давлат бюджети даромадлари билан харажатлари ўртасида тушумлар вақтга кўра мувофиқ эмаслиги туфайли келиб чиққан йиллик ички тафовутни тўғрилаш; (в) мавжуд қарзни қайта молиялаштириш; (г) бюджет тақчиллигини молиялаштириш ҳамда (д) табиий офат ёки бошқа фавқулодда вазиятлар туфайли маблағларга бўлган эҳтиёжларни қоплаш мақсадида амалга оширилиши мумкин. Давлат томонидан маблағ жалб қилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган

бошқа орган давлат қарзига хизмат кўрсатувчи ва давлат томонидан маблағ жалб қилиш бўйича ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ва тўғри юритилиши устидан назоратни амалга оширувчи агент вазифасини бажаришлари юзасидан банклар, молиявий ташкилотлар билан шартномалар тузиши мумкин.

Давлат кредити икки кўринишда, омонат иши ва давлат заёмлари, шаклида бўлиши мумкин. Омонат банклари орқали жалб қилинган маблағларнинг маълум қисми давлатнинг қимматли қоғозларини сотиб олишга йўналтирилган бўлса, у ҳолда бу маблағлар ҳам давлат кредитига тааллуқли бўлади.

Давлат кредити махсус назоратни талаб қилади. Бу назорат қарз маблағларни жалб қилишда ҳам, уларни қайтаришда ҳам зарур бўлади.


Давлат қарзини қайтариш муддатига қараб мукаммал (асосий) ва жорий давлат қарзларига бўлинади. Давлатнинг мукаммал қарзи деб давлатнинг барча қарзи суммасига айтилади. Бунга қайтарилиш муддати хали етиб келмаган ва муайян давр ичида тўлашга тақдим этиш мумкин бўлмаган қарзлар суммаси ҳамда бу мажбуриятлар бўйича тўланиши лозим бўлган, ҳисобланган фоизлар суммаси киради. Давлатнинг жорий қарзи деб тўлаш муддати етиб келган мажбуриятлар бўйича давлатнинг қарзлар суммасига ҳамда барча мажбуриятлар бўйича муайян давр ичида тўланиши керак бўлган, ҳисобланган фоизлар суммаси йиғиндисига айтилади.

Ғазначилик институтининг устувор жиҳати шунда намоён бўляптики, ҳар бюджет йилида давлат бюджет ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,0 фоиз атрофида камомад билан тасдиқланаётган бўлсада, аммо оқилона ва одилона олиб борилаётган молиявий сиёсат натижасида қатор йиллардан буен бюджет йили профицит билан якун топмоқда. Бунга амин бўлиш учун қуйидаги статистик маълумотларга мурожаат қиламиз (1-диаграммага қаранг). Диаграмма маълумотларидан шу нарса маълум бўлмоқдаки, бюджет камомади 2005 молия йилида мамлакатда яратилаётган ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0.1 фоизни ташкил этган бўлса, 2006 молия йилида ушбу кўрсаткич 0.4 фоизни

ташкил этди. 2007 молия йилида эса 0.9 фоизни ташкил этган бир шароитда 2008 молия йилида 1.5 фоизга етди. Кейинги молия йилларида суръат бир оз пасайган бўлсада, аммо ижобий кўрсаткич сақланиб қолганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз.

## 1-диаграмма

**2005-2011 молия йилларида Давлат бюджетининг мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан профицит кўрсаткичлари ҳақида маълумот<sup>3</sup>**



## 2.2. Давлат қарз мажбуриятларини молиялаштириш усуллари

Давлат қарзини молиялаштиришнинг асосий методлари бўлиб пул-кредит эмиссияси ва давлат заёмларини чиқариш ҳисобланади. Давлат қимматли қоғозларини чиқариш энг мақсадга мувофиқ йуналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Аммо, бунда давлат олдида давлатнинг қимматли қоғозлари турларини муомалада бўлиш муддатлари уларнинг даромадлик даражалари ва бошқа сифатлари бўйича оптимал вариантларини излаш вазифаси кўндаланг бўлиб туради.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг йил яқунларига бағишланган маърузалари асосида тайёрланган.

Давлат қарзининг ҳажмини иқтисодий асосланган чегаралари бўлади. Давлат қарзининг ҳажми давлатнинг иқтисодиёти ва молиявий ҳолатини ҳамда ҳукуматини барча поғоналарини самарали ишлашини характерлайди. Чунки давлат қарзларини қайтариш манбалари бўлиб бюджет даромадлари ҳисобланади. Купчилик мамлакатларда давлат қарзининг ҳажми қонун билан тартибга солинади.

Давлат заёмлари давлат кредитининг асосий шакли ҳисобланади. Ҳукукий расмийлаштирилиши бўйича давлат заёмлари ҳукумат келишувлари асосида бериладиган заёмларга ва қимматли қоғозлар чиқариш билан таъминланадиган заёмларга бўлинади. Одатда, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлардан олинладиган кредитлар келишувлар билан расмийлаштирилади. Қимматли қоғозлар ёрдамида молиявий бозорга маблағлар жалб қилинади.

Давлат қарзи икки хил: давлатнинг ички қарзи ва давлатнинг ташқи қарзи бўлади. Давлатнинг ички қарзи - бу ҳукуматнинг юридик ва жисмоний шахслар олдидаги давлат валютасида қарз мажбуриятидир. Давлатнинг ташқи қарзи - бу давлатнинг чет эл давлатлари, халқаро ташкилотлар ва айрим шахслари олдидаги мажбуриятидир. Бу мажбурият мамлакатга энг оғир юк бўлиб тушади, чунки қарз бўйича фоизларни ва қарзнинг узини тўлаш учун қарздор мамлакат халқаро валюталарда баҳоланадиган қимматбаҳо товарларни бериши ва маълум хизматларни кўрсатиши лозим бўлади.

Давлат қарзининг абсолют миқдори бўйича унинг оғирлик юкини мамлакатнинг иқтисодиёти учун аниқлаш мумкин эмас. Бунинг учун давлат қарзи ҳажмини мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ҳажмига ёки миллий даромадининг ҳажмига нисбати кўрсаткичи ишлатилади. Агар давлат қарзини ўсиш суръати мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотини ўсиш суръатидан кам бўлса, бундай давлат қарзи ҳажми хатарли эмас деб ҳисобланади. Иқтисодиётнинг ўсиш суръати давлат қарз мажбуриятларининг ўсиш суръатидан паст бўлганда давлат қарзи жиддий макроиқтисодий муаммога айланиб қолади.

Давлатнинг ташқи қарзини баҳолаш учун турли мезонлар мавжуд. Хусусан, давлат қарзининг ҳажми ва уни қайтаришга ҳамда унга тўланадиган фоизларни мамлакатнинг экспорт ҳажми билан солиштирилади, чунки экспорт ҳажмидан кредитларни қайтариш имконияти боғлиқ бўлади. Давлат қарзининг ҳажмини давлат экспорти ҳажмига нисбати 2 дан куп бўлиши давлат қарзининг хавфлилик чегараси ҳисобланади. Бу нисбатнинг 3 га тенг бўлиши давлат қарзининг юқори хавфлилик чегараси ҳисобланади. Фоизлар тўловини экспорт ҳажмига нисбати солиштирилганда давлат қарзининг хавфлилик чегараси бўлиб 15-20 фоиз, давлат қарзининг юқори хавфлилик чегараси бўлиб 25-30 фоиз ҳисобланади. Давлатнинг ташқи қарзларини мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ҳажмига нисбатан фоизда ҳисоблаш кенг камраб олган кўрсаткич ҳисобланади.

Давлат қарзи мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ярми чегарасида бўлиши мумкин. Қарз суммасининг бу меъёрдан куп бўлиши мамлакатни инқироз ҳолатига олиб келиб қўйиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги «Давлат бюджетининг Ҳазна ижроси тўғрисида»ги қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикасининг кафолатларини ижро этиш ғазначиликнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 30 августдаги 119-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Давлат бюджети ғазна ижроси бўйича функцияларнинг чегараланиши тўғрисидаги низом»га асосан:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилигига ягона ғазна ҳисобварагидан, қонунчиликда белгиланган тартибда, Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси кафолатларининг ижросини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига: Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ва ташқи қарзлари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобини; Ўзбекистон Республикаси кафолатларининг ҳисобини ва

давлатнинг қисқа муддатли ва ўрта муддатли ғазначилик облигациялари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобини олиб бориш юклатилган.

### **2.3. Давлат қарз мажбуриятларини турлари ва таснифланиши**

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунига кўра давлат томонидан ички ва хориждан маблар жалб қилишда қарз мажбуриятларининг: қисқа муддатли (бир йилгача бўлган даврга чиқариладиган), ўрта муддатли (бир йилдан беш йилгача бўлган даврга чиқариладиган) ва узоқ муддатли (беш йилдан ортиқ даврга чиқариладиган) давлат қимматли қоғозлари; кредитлар (қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли); Ўзбекистон Республикасининг кафолатлари; бюджет даромадлари билан харажатлари ўртасидаги вақтинчалик тафовутни қоплаш учун қисқа муддатли ссудалар ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа турларидан фойдаланиш мумкин:

Давлат қарз мажбуриятлари - бу давлатнинг ўз кредиторларига бўлган қарз мажбуриятларининг суммасидир. Давлат қарзлари жорий ва мукамал, ички ва ташқи қарз мажбуриятларига бўлинади. Давлатнинг жорий қарз мажбуриятлари - бу жорий йилда қайтариладиган қарзлар ва муайян вақтда барча чиқарилган заёмлар бўйича ҳозирги давр ичида тўланиши керак бўлган фоизлар суммасидир. Давлатнинг мукамал қарз мажбуриятлари - бу заёмлар бўйича тўланиши керак бўлган барча қарзлар ва фоизларнинг умумий суммасидир.

Давлат қарз мажбуриятлари ўзининг манбалари бўйича 2 турга (ички ва ташқи қарзларга) бўлинади. Давлат ички қарз мажбуриятлари - бу давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш натижасида вужудга келган давлатнинг мажбуриятларини йилчндисидир. Давлат ташқи қарз мажбуриятлари - бу давлат томонидан хориждан маблат жалб қилиш натижасида вужудга келган давлатнинг мажбуриятларини йиғиндисидир.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги «Хориждан

маблағ жалб қилиш тугфисида»ги қонунига мувофиқ хориждан маблағ: давлат ёки Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлмиш юридик ва жисмоний шахслар томонидан заёмлар, товарлар ёки хизматларни импорт қилиш шаклида кредитлар жалб этилиши; норезидентлар маблағларининг Ўзбекистон Республикаси молия институтлари томонидан депозитларга жалб этилиши; лизинг операциялари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва резидентларининг облигациялар, векселлар ҳамда бошқа хил қимматли қоғозлар чиқариб, чет эл бозорларида жойлаштириши ҳамда бошқа тур ва шакллардан фойдаланиш йўли билан жалб қилинади. Хориждан маблағ жалб қилиш - бу Ўзбекистон Республикаси ёки унинг резиденти томонидан хорижий давлатлар ёки норезидентлар активларининг (кредитлар, заёмлар ва бошқаларнинг) мазкур хорижий давлатга ёки норезидентга ёхуд уларнинг талабига кўра учинчи шахсга шартлашилган даврда адекват активларни, шу жумладан, активлардан фойдаланганлик учун тўловларни тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига олган ҳолда жалб этилишидир. Давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиши - бу активларни чет эл манбаларидан (хорижий давлатлар, уларнинг юридик шахсларидан ва халқаро ташкилотлардан) жалб бериладиган заёмларга айтилади. ташқи заёмлар деб хорижий давлатлар, бошқа мамлакатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлардан келган заёмларга айтилади.

Эмиссия қилиш ҳуқуқига қараб заёмлар давлат заёмлари ва маҳаллий заёмларга бўлинади. Давлат заёмлари марказий бошқарув органлари томонидан чиқарилади на улар бўйича тушган маблағлар давлат бюджетига йўналтирилади. Маҳаллий заёмлар маҳаллий бошқарув органлари томонидан чиқарилади ва улар бўйича тушган маблағлар тегишли маҳаллий бюджетларга йўналтирилади.

Қимматли қоғозларнинг ишлатилиш характериға қараб бозор учун мўлжалланган ва бозор учун мўлжалланмаган заёмларга бўлинади. Бозор учун мўлжалланган облигациялар (ғазна мажбуриятлари) қимматли қоғозлар

бозорларида эркин сотиб олинади, сотилади ва қайта сотилади. Бозор учун мўлжалланмаган заёмлар қимматли қоғозлар бозорига чиқарилишига йўл қўйилмайди, яъни, уларнинг эгалари бозор учун мўлжалланмаган заёмларни қайта сота олмайди.

Давлат заёмлари таъминланганлигини белгиланишига қараб кафолатланган ва кафолатланмаганларга бўлинади. Кафолатланган заёмлар давлат мулки билан ёки аниқ даромалари билан кафолатланади. Кафолатланмаган заёмлар аниқ моддий кафолатга эга булмайди. Бундай заёмларнинг ишончлилиги давлатнинг ишончлилиги билан белгиланади.

Заёмларни қайтариш муддатларига қараб қисқа муддатли (қайтариш муддати бир йилгача), ўрта муддатли (қайтариш муддати 1 йилдан 5 йилгача) ва узоқ муддатли (қайтариш муддати 5 йилдан юқори) давлат заёмларига бўлинади.

Давлат заёмлари даромад тўлаш характериға қараб фоизли, ютуқли ва дисконтли (нол купонли) заёмларға бўлинади. Фоизли заёмлар бўйича даромад қарз фоизи қўринишида белгиланади. Фоизлар заёмларни ҳаракат қилиш даври давомида бир хил қилиб ўрнатилган бўлиши ёки кредит бозорида бу заёмға бўлган талаб ва таклифлар асосида ўрнатиладиган ўзгариб турувчи фоизлар белгиланиши мумкин. Фоиз даромадлари йилда бир марта, ярим йилда бир марта ёки ҳар чоракда бир марта тўланадиган бўлиши мумкин. Ютуқли заёмлар бўйича кредиторларға даромад тўлаш ютуқ тиражларини ўтказиш йўли билан амалға оширилади. Бунда даромадни барча кредиторлар олмайди, балки ютуқ чиққан облигациялар эгаларгина олади. Дисконтли давлат заёмлари маълум чегирма билан сотилади, аммо облигация қиймати қайтарилганда давлат заёмининг номинал қиймати кредиторларға қайтарилади. Дисконтли давлат заёмининг номинал қиймати билан кредитор томонидан сотиб олган қиймати ўртасидаги фарқ кредиторнинг даромади бўлиб ҳисобланади.

Қарзлар қайтариш характериға қараб бирданиға қайтариладиган ва қисм-қисмларға бўлиб қайтариладиган қарзларға бўлинади. Қарзни қисм-


қисмларга бўлиб қайтаришнинг учта варианты бўлиши мумкин. Биринчи вариант - заём қиймати бир неча йил давомида унинг турли қисмларини қайтариш йўли билан амалга оширилади. Иккинчи вариант -заём қиймати доимо ўсиб бориш йўли билан қайтарилади. Бу тартиб келажакда давлат даромади ҳар йили ошиб бориши кўзда тутилган ҳолларда қўлланилади. Учинчивариантда заём суммаси доимо камайиб бориш йўли билан қайтарилади. Бу тартиб келажакда давлат даромади ҳар йили камайиб бориши ёки давлат харажатлари кўпайиб бориши кўзда тутилган ҳолларда қўлланилади.

Туман бюджет ташкилотларининг Ғазначилик орқали ҳисобот топшириши 2-чизмада акс эттирилган.

Давлатнинг қарзларни тўлаш бўйича мажбуриятларига қараб муддатидан аввал қайтариш ҳуқуқи билан ва муддатидан аввал қайтариш ҳуқуқисиз заёмларга бўлинади. Қарзни муддатидан аввал қайтариш ҳуқуқи давлатга молиявий бозордаги вазиятни ҳисобга олиш имконини беради.

Бинобарин, давлат кредити молиявий муносабатларнинг турли шакллари ва методларининг мажмуасидан иборат бўлади.





4-чизма. Республика бюджет ташкилотларининг Ғазначилик орқали ҳисобот топшириши

**III БОБ. ҒАЗНАЧИЛИК ОРГАНЛАРИ ОРҚАЛИ БЮДЖЕТ  
ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ  
ТЎЛАШ ТАРТИБИНИ БОШҚАРИШ МУАММОЛАРИ**

**3.1. Ғазначилик органлари томонидан бюджет ташкилотларида давлат  
қарзларини юзага келтирувчи омилларни сабаблари**

Бюджет тақчиллиги деганда муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортиқ бўлган суммаси тушунилади. Бюджет тақчиллигини юзага келиш сабаблари талаб ва тақлифлар асосида ўрнатиладиган бўлиб: иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида давлат бюджети ҳисобидан капитал қуйилмалар ҳажмининг оширилиши; фавқулодда ҳолатлар - урушлар, давомий оммавий тартибсизликлар, табиий офатлар; мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотини ўсиш суръатларини пасайтириш кетиши, ишлаб чиқаришнинг издан чиқиши; бюджет даромадлари базасининг мустаҳкам эмаслиги; мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотини ўсиш суръатларига эришмасдан туриб марказлашган узоқ муддатли инвестицияларни, ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштиришни муттасил ошириб бориш; иқтисодий инқирозлар ва бошқалар ҳисобланади.

Қарз маблағларини жалб қилишнинг асосий сабабларидан бири бўлиб давлат бюджетида тақчилликнинг мавжудлиги ҳисобланади. Давлат бюджетининг тақчиллиги ҳамда унинг ўсиши мамлакат иқтисодиётини нормал ишлашига таъсир қилади. Лекин кўпгина мамлакатларнинг амалиёти давлат бюджетининг тақчиллигини умуман бартараф этиш зарурати йўқ деган фикрга келинмапти.

Давлат қарзида икки хавф: давлатнинг банкрот бўлиши ва қарз юкини келгуси авлод зиммасига юкланиш хавфи бўлади. Бунда давлат ўзининг қарзини қайта молиялаштириш йўли билан бу ҳолатдан чиқиши мумкин. Бунинг учун давлат янги облигацияларни чиқариб сотишдан тушган маблағ давлатни эски қарзларини қайтариш учун йўналтиради. Бу ҳолатдан чиқишнинг яна бир йўли, у ҳам бўлса солиқ юкини ошириш ҳисобланади.

Албатта, ҳукуматни банкрот бўлишини тасаввур қилиш жуда қийин, чунки ҳукумат пул-кредит эмиссияси ҳуқуқига эга ва у эмиссия қилиш натижасида давлат қарзларини асосий қисми ва тегишли фоизларни тўлаши мумкин. Пулни чоп қилиш йўли билан давлат қарзларининг асосий суммасини ва уларнинг фоизларини тўланиши тақчилликни янада чуқурлашиб кетишига олиб келиши мумкин.

Давлат қарзининг иккинчи хавфи бу давлат қарзининг кўпайиб кетиши реал салбий иқтисодий оқибатларга олиб келади. Биринчидан, давлат қарзлари бўйича фоизларни тўлаш аҳолининг даромадларини номуносиблигига олиб келади. Чунки давлатнинг мажбуриятларини кўпгина қисми аҳолининг бадавлат қисмига тўғри келади. Давлатнинг ички қарзларини қайтарилиши аҳолининг кам таъминланган қисми «ҳисобидан» бадавлат аҳоли чўнтагига тушишига олиб келади ва шунинг натижасида бадавлат аҳоли яна бадавлатроқ бўлади. Иккинчидан, давлатнинг ички қарзларини қайтариш ёки уни камайтириш воситаси сифатида солиқ ставкаларини оширилиши ишлаб чиқариш ривожланишининг иқтисодий стимуллари таъсир кучига путур етказилишига, янги таваккалчиликка асосланган корхоналарга, иновацияларга маблағ қўйишга қизиқишни камайишига ва жамиятда ижтимоий кескинликни кучайишига олиб келиши мумкин. Шу йўл билан давлатнинг катта ички қарзларини бўлиши иқтисодий ривожланишга путур етказиши мумкин. Учинчидан, чет эл давлатларига қарзлар бўйича фоизларни ёки қарзнинг асосий суммасини тўлаш, мамлакатнинг реал маҳсулотларини маълум қисмини чет элга ўтказиб берилишига олиб келади. Тўртинчидан, давлат ўзининг қарзини реал иқтисодий юқини келгуси авлодлар елкасига ўтказиши мумкин. Бу эса давлатнинг ташқи қарзини кўпайиши мамлакатнинг халқаро обрўини пасайтиради ва салбий психологик эффектга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки халқаро молия ташкилотларига Ўзбекистон Республикасининг тузилган шартномаларга мувофиқ хориждан маблағ жалб

килиши тўғрисида ахборот тақдим этади.

### **3.2. Ғазначилик органлари томонидан давлатнинг ички ва ташқи молиявий қарз мажбуриятларини бошқариш йўллари**

Давлатнинг қарзлари бўйича даромадларни тўлаш ва уларни қайтариш давлат бюджети харажатларининг асосий моддаларидан бири бўлиб қолади. Давлат қарзлари ҳажми мамлакат ўзининг қарз мажбуриятларини ўз вақтида бажара олмайдиган ҳолатга етганда қарзларни қайтариш муддатларини узайтириш ёки заёмлар бўйича тўланадиган фоизларни қисқартиришга давлат мажбур бўлиб қолади. Давлат қарзларини бошқариш деганда давлат заёмларини қайтариш, улар бўйича даромадлар тўлашни ташкил қилиш, олдин чиқарилган заёмлар учун белгиланган шартлар ва муддатларни ўзгартириш ҳамда янги қарз мажбуриятларини жойлаштириш бўйича давлатнинг молиявий тадбирларининг мажмуаси тушунилади. Давлат қарзларини бошқариш қарзларни қайтариш имкониятларини таъминлашдан иборат. Бу жорий қарзларга ҳам, мукаммал қарзларга ҳам бирдай тегишлидир. Жорий қарзларни қайтаришни реал манбалар билан таъминлаш керак бўлади. Мукаммал қарзлар учун қайтариш муддатларини шундай белгилаш керакки, уларни қайтариш учун тегишли манбалар мавжуд бўлсин. Давлатнинг ички қарзлари учун тўлов қобилияти унинг ички манбалари ҳисобидан таъминланади. Давлатнинг ташқи қарзлари бўйича тўлов қобилияти биринчи навбатда валюта тушумларига боғлиқ бўлади. Бу қарзларни қайтариш имконияти -тўлов балансининг ҳолати билан аниқланади. Тўлов балансининг ижобий сальдоси давлатнинг тўлов имкониятини таъминлайдиган ресурсни характерлайди ва у олтин-валюта захираларини тартибга солиш имкониятини беради.

Қарзларга хизмат кўрсатиш - бу заёмларни қайтариш, улар бўйича фоизларни тўлаш ва чиқарилган заёмларнинг қайтарилиш шартларини ўзгаришга доир давлат тадбирларининг мажмуасидир. Заёмларни қайтариш

бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Айрим ҳолларда давлат ўзининг қарзларини қайтаришни янги заемлар чиқариш йўли билан амалга оширади. Давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатларининг асосий қисми фоизларни тўлаш, заемлар бўйича ютуқларни тўлашга кетган маблағлар ташкил қилади. Давлат қарзига хизмат кўрсатишнинг бошқа харажатларига давлат қимматли қоғозларини тайёрлаш, жўнатиш ва сотиш, ютуқтиражларини ўтказиш, тиражларни йўқ қилиш ҳамда айрим бошқа ташкилий харажатлари киради. Айрим мамлакатларнинг давлат бюджети таркибида давлат қарз мажбуриятларини жойлаштириш, қайта молиялаштириш, даромадларни тўлаш ва қарзларни қайтариш бўйича харажатларни молиялаштириш учун мамлакатнинг ички қарзига хизмат кўрсатиш фонди ташкил қилинади. Масалан, Украинада бу фондга давлат корхоналарининг мулкани хусусийлаштиришдан олинган маблағнинг 50 фоизи киритилади. Давлатнинг ташқи қарзлари бўйича унга хизмат кўрсатиш коэффициента аниқланади. Бу коэффициент ташқи қарзлар бўйича барча тўловларнинг суммасини мамлакатнинг товар ва хизматлар экспортидан тушган валютага нисбати шаклида фоизларда аниқланади. Бу кўрсаткич 25 фоизгача бўлса давлатнинг ташқи қарзига хизмат кўрсатиш даражаси хавфсиз деб қабул қилинади.

Айтиш мумкинки, ғазна мажбуриятларининг хусусиятлари шундан иборатки, бу давлатнинг қимматли қоғозларидан бири сифатида солиқдан озод қилиш ва ҳисоб-китоб воситаси сифатида мужассамлаштирган гибридланган қимматли қоғоз ҳисобланади. Масалан, ғазна мажбуриятлари қисқа муддатлилиги билан векселга ўхшасада, бундан ташқари, табиатан у айланувчан бўлади. Хулоса қилиб айтганда, ғазна мажбуриятлари давлат, нақд бўлмаган, қисқа муддатли, бозорбоп, гибрид, муомаласи чегараланган, узоқ муддатли ва бошқа шу каби хусусиятларга эга бўлган қимматли қоғоз деб характерланади.

Ғазна мажбуриятининг чиқарилиш шартларида унинг муомалада бўлишини чегараланган ва чегараланмаган шаклда бўлиши кўзда тутилган

бўлади. Ундаги чекловларга қуйидагилар киради: ҳазина мажбуриятини номинал нарҳида фақат кредитор қарздорликни ёпиш мақсадида ишлатади, ҳазина мажбуриятини бирламчи бозорда фақат ҳуқуқий шахсларга ўтказилиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган чегараларни кўзда тутган ҳолда кредитор қарздорликни ёпиш операцияларни ўтказишнинг максимал сони, ҳисоб-китоб муддатининг ва солиқдан озод қилишга алмаштиришнинг муддати белгиланган, албатта, бу чегараларнинг ижро этилиши ваколат берилган депозитарийлар томонидан депозитарий ва Молия вазирлиги томонидан тузилган шартномага асосан назорат қилинади.

Ғазна мажбуриятининг биринчи эгаларининг (давлат вазирликлар ва идоралар) иқтисодий қизиқишлари биринчидан эммитентнинг қизиқишлари каби бўлади, иккинчидан уларнинг корхоналар ва ташкилотлар олдидаги қарздорлигини ёпиш, маълум тармоқларнинг бюджетга тўловини қисқартириш, нақд ҳисоб-китоб воситаларига бўлган эҳтиёжни камайтириш каби ўзларининг хусусий қизиқишлари мавжуд бўлади.

Ғазна мажбуриятининг ораликдаги эгалари – булар ўша бюджетнинг қарзи ғазна мажбуриятлари билан хужжатлаштириладиган корхона ва ташкилотлар бўлиб, уларнинг қизиқишлари нималардан иборат?

Ғазна мажбуриятлари уларга молия ресурсларини бошқаришда бир қадар эркинликни беради. Корхоналар бу мажбуриятлар билан тақдим қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун, жумладан, жисмоний шахслар билан ҳисоб-китоб қилишлари мумкин, улар ўзларининг ҳазина мажбуриятини ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга (резедентларга) сотишлари мумкин. Мазкур корхоналар ўзларининг кредитор қарзларини ғазна мажбуриятларини кредиторнинг ҳисобрақамига ўтказиш билан ёпишлари мумкин. Ғазна мажбуриятларини номиналдан юқори баҳода сотиш билан, фойда олиш имконига эга бўлади, айланма маблағларини тўлдиради.

Пировардида, ғазна мажбуриятларини гаровга бериш билан корхона банк кредитини олиши мумкин. Ғазна мажбурияти-нинг охирги эгалари-булар оралиқ ёки биринчи эгаларнинг қарздор бўлган шахслар ҳисобланади.

Ғазна мажбуриятининг оралиқ эгалари аксарият ҳолларда ҳар доим хизматларидан фойдаланадиган контрагентлардан (транспорт, алоқа корхоналаридан) ўзларининг қарздорлигини ёпиш учун ғазна мажбуриятларини қўллашади, асосан, бу корхоналар ичида ёқилғи-энергетика комплекслари кўп учрайди. Улар ғазна мажбуриятининг охирги эгаларини асосий қисмини ташкил қиладилар. Ғазна мажбуриятларининг даромадлилиги давлатнинг бошқа қимматли қоғозининг даромадлилига тенг ёки ундан юқори бўладиган манзарани кўриш мумкин.

Барибир, ғазна мажбуриятининг охирги эгалари учун фойда томони ғазна мажбуриятини солиқдан озод қилишга алмаштиришдир. Ғазна мажбурияти эгаларининг ғазна мажбуриятларини солиқдан озод қилишга алмаштириш тўғрисидаги аризасига биноан аризачилар солиқ тўлаш бўйича (жарима ва пенялар қўлланилмайди) муддат олади. Ғазна мажбуриятлари ёрдамида турли солиқларни, жумладан, давлат бюджетига тўловларни тўлаш, шунингдек, улардан пенсия фондига тўловлар сифатида фойдаланиш мумкин. Баъзи бир корхоналарнинг қўлида ғазна мажбуриятларидан тўғри фойдалана олган ғазна мажбуриятининг турли серияларининг бутун пакети мавжуд.

Ғазначилик ғазна мажбуриятлари бозорининг очиқлиги тўғрисида чора-тадбирлар кўради:

- ғазна мажбуриятларининг ҳар бир серияси тўғрисида, уни қоплаш муддати бошланиши тўғрисида, ғазна мажбуриятини солиқдан озод қилишга алмаштириш тўғрисида, ахборотлар беради;
- ҳар ҳафта ғазна мажбуриятларини қоплаш ва солиққа алмаштиришдаги жорий нархи тўғрисида ахборотлар нашр қилади;
- ҳар ойда ғазна мажбуриятларининг қопланиши тўғрисида ахборотлар нашр қилади;

- ваколат берилган депозитарий эмитентнинг ва ғазна мажбуриятлар эгаларининг розилигисиз ҳеч қандай ахборотлар берилмайди;
- ғазна мажбуриятларининг эгалари тўғрисида маълумотлар сир сақланади.

Ғазна мажбуриятлари бирламчи ва иккиламчи бозорда тўғридан-тўғри инвестициялаш йўли ёки шартномалар воситаси сифатида хизмат қилади. Тадбиркорлар ғазна мажбуриятлари билан фойда олиш мақсадида қисқа муддали спот шартномаларни тузишлари мумкин, лекин ғазна мажбуриятларининг функциялари бу билан чегараланмайди.

### **3.3. Ғазначилик органлари томонидан давлат қарз молиявий мажбуриятларини тўлаш тартибини бошқариш йўллари**

Давлат қарз молиявий мажбуриятларини бошқариш - бу давлат заёмларини қайтариш, улар бўйича даромад тўлашни ташкил қилиш, олдин чиқарилган заёмлар учун белгиланган шартлар ва муддатларни ўзгартириш ҳамда янги қарз мажбуриятларини жойлаштириш бўйича давлатнинг молиявий-ташкилий тадбирларининг мажмуасидир. Давлат қарз мажбуриятларини бошқаришнинг асосий мақсадлари давлат қарзлари ҳажмини иқтисодий хавфсиз даражада сақлаб туриш, давлат қарз мажбуриятларига хизмат кўрсатиш қийматини маълум нисбатда сақлаб туриш ва давлат мажбуриятларини тўла ҳажмда ва энг паст қийматда бажарилишини таъминлашдир.

Давлат қарз молиявий мажбуриятларини бошқариш методлари бўлиб: конверсия; консолидация; унификациялаш; регрессив нисбат бўйича облигацияларни алмаштириш; қайтариш муддатларини кечиктириш; қайта таркиблаш (реструктуризация) ва бекор қилиш ҳисобланади.

Давлат қарз молиявий мажбуриятларини бошқаришнинг конверсия методи - бу давлат томонидан кредиторларга тўланадиган даромад бўйича фоиз ставкасини пасайтириш ёки кутариш орқали заёмлар

даромадлилигини ўзгартиришдир. Бу метод молиявий бозорда вазият ўзгарган ёки давлатнинг молиявий ҳолати ёмонлашган ҳолларда қўлланилади. Давлатнинг молиявий ҳолати ёмонлашуви натижасида давлат облигация шартлари бўйича кўзда тутилган даромадни тўлай олмаслик ҳолатига келганда бу метод қўлланилади.

Давлат қарз молиявий мажбуриятларини бошқаришнинг консолидация методи - бу давлат заёмларининг муддатини узайтириш мақсадида аввал чиқарилган заём бўйича мажбуриятларни янги заёмга ўтказиб беришдир. Бунда, аввал чиқарилган заём облигациялари янги заём облигацияларига алмаштириш амалга оширилади. Айрим ҳолатларда заёмнинг муддатини қисқартириш тартиби ҳам қўлланилиши мумкин.

Давлат қарз молиявий мажбуриятларини бошқаришнинг унификациялаш методи - бу бир қанча заёмларни бир заёмга бирлаштиришдир. Бунда, аввал чиқарилган бир қанча заёмлар облигациялари янги заём облигацияларига алмаштирилади. Бу эса давлат қарзларини бошқаришни соддалаштиради. Давлат қарзларини бошқаришнинг унификациялаш методи алоҳида ёки давлат қарзларини бошқаришнинг консолидация методи билан бирга амалга оширилиши мумкин.

Давлат қарз молиявий мажбуриятларини бошқаришнинг регрессив нисбат бўйича облигацияларни алмаштириш методи - бу давлат қарзини қисқартириш мақсадида аввал чиқарилган заём облигацияларини янги заём облигацияларига алмаштиришдир. Бунда, давлат ўзининг қарз бўйича мажбуриятларидан қисман бош тортади. Шунинг учун ҳам бу методни куплаш мақсадга мувофиқ эмас деб топилади.

Давлат қарз молиявий мажбуриятларини бошқаришнинг қарзларни койтаришнинг муддатларини кечиктириш методи - бу қарзларни тўлаш муддатини кўчиришдир. Бунда, қарзларни тўлаш муддати кўчирилган давр учун мажбуриятлар бўйича давлат даромад туламайди.

Давлат қарз молиявий мажбуриятларини бошқаришнинг қайта таркиблаш (реструктуризация) методи - бу юқорида кўрсатилган методлар

мажмуасини тўла ёки қисман қўлланилишидир. Жахон амалиётида суверен қарзларни қайта таркибланишнинг тўртта асосий схемаси мавжуд. Булар: бир қарз мажбуриятларини бошқаларига алмаштириш (облигацияга облигация схемаси), давлат хусусийлаштириш дастури доирасида қарз мажбуриятларини акцияларга алмаштириш (облигацияга акция схемаси), дисконт билан қарз мажбуриятларини муддатидан аввал қайтариб сотиб олиш (қайтариб сотиб олиш схемаси) ва қарз мажбуриятларининг бир қисмини ҳисобдан чиқаришдир.

Давлат қарз молиявий мажбуриятларини бошқаришнинг мажбуриятларни бекор қилиш методи - бу давлат ўзининг қарз мажбуриятларини тўла бекор қилишидир. Давлат қарз мажбуриятларини бошқаришнинг бу вариан-тини йўл қуйиб булмайдиган вариант деб қабул қилинади. Чунки, давлатнинг обрўи унинг ўзини қарз мажбуриятларини тан олиши ва қарз мажбуриятларини белгиланган муддатларда тўла қайтаришига боғлиқ бўлади. Давлат молиявий ночор бўлиши, яъни, банкрот бўлиши ёки ҳокимятга янги сиёсий кучлар келиши сабабли давлат ўзининг қарзларини бекор қилишини эълон қилиши мумкин.

Давлат заёмлари бўйича мажбуриятларни қайтариш ва фойзаларни тўлаш ёки бюджет маблағларидан, ёки қайта молиялаштириш, эски заём облигациялари эгалари билан ҳисоблашиш учун янги заёмлар чиқариш йўли билан амалга оширилади.

Давлат заёмларини конверсиялаш, консолидациялаш ва унификациялаш ҳамда давлат облигацияларини алмаштириш, одатда, фақат давлат ички заёмларига нисбатангина қўлланилади. Мажбуриятларни қайтаришни кечиктириш давлатнинг ташқи қарзларига нис-батан ҳам қўлланилиши мумкин. Давлатнинг ташқи қарзларини қайтарилишини кечиктириш, асосан, кредиторлар билан келишган ҳолда амалга оширилади.

Давлат қарз молиявий мажбуриятларини бошқариш макроиктисодий сиёсатнинг элементларидан бири бўлиб ҳисобланади. Қарздан самарали фойдаланиш иқтисодий ўсишнинг кучли фактори бўлиши мумкин.

Мамлакатнинг халқаро капитал бозорида барқарор ҳолати, қарз мажбуриятларини ўз вақтида бажарилиши уни халқаро обруини мустаҳкамлашга имконият яратади ва янада фойдалироқ шартлар билан қўшимча инвестицияни куплаб олиб келишини таъминлайди. Бундан ташқари, мамлакатнинг миллий валютасига бўлган ишончни оширади ва ташқи савдо алоқаларини мустаҳкамлайди. Бошқа томондан, ташқи қарзлар бўйича инқироз иқтисод учунгина жиддий салбий фактор бўлиб қолмасдан, балки у сиёсий аҳамияти ҳам бўлиши мумкин. Давлат бюджетидан қарзлар бўйича ҳаддан ташқари юқори тўловлар давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, муҳофаа ва бошқа дастурларини молиялаштиришдан маблағларни бошқа томонга буради.

Давлат ташқи қарз молиявий мажбуриятларини бошқаришнинг мақсади бўлиб: иқтисодий; сиёсий; ижтимоий ва миллий хавф-сизликни таъминлаш ҳисобланади. Иқтисодий мақсад бўлиб жалб қилинадиган ташқи заёмларнинг қийматини минималлаштириш, уларни қайта молиялаштириш ёки қарзларни қайта расмийлаштириш, ташқи қарзларга хизмат кўрсатиш бўйича умумий харажатларни камайтириш ва жалб қилинадиган ресурслардан фойдаланишнинг самаралийлигини ошириш ҳисобланади. Сиёсий мақсад бўлиб мамлакатдаги сиёсий тизимнинг барқарор ишлаб туришини таъминлашдир. Ижтимоий мақсад бўлиб ижтимоий дастурларни ўз вақтида маблағ билан таъминлаш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашдир. Миллий хавфсизликни таъминлаш бўлиб ташқи қарзнинг ортиқча юқори юки, қарзлар бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширилмаслик миллий иқтисодиётнинг ишлаб туришида жиддий кийинчиларга олиб келиши, мустақил иқтисодий сиёсат юритиш имкониятига путур етказилиши ва натижада мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигига жуда жиддий равишда таъсир килувчи омил бўлишлиги хавфини олдини олишдир.

Давлат қарзини бошқаришнинг даврийлиги уч боскични, яъни, жалб қилиш, жойлаштириш ва қайтариш боскичларини ўз ичига олади. Давлат қарзларини бошқаришнинг тўғридан-тўғри давлат бошқарувида асосланган

бўлиши ҳамда давлат кафолатларини бериш ва хусусий фирмалартомонидан кафолатланмаган кредитларни жалб қилишнинг меъёрий-маъмурий тартибга солиш каби билвосита методларга асосланган бўлиши мумкин. Жалб қилинган қарзларни тўғридан-тўғри бошқаришни бюджет жараёни контекстида амалга оширилиши жорий бюджет йилига давлат томонидан маблағларни жалб қилиш ва давлат кафолатларининг энг юқори ҳажмини белгилаш йўли билан амалга оширилади. Давлат қарзларининг жойлаштирилишини бошқариш қарзларни бошқариш тизимида энг муҳим актив элемент сифатида тавсифланади.

Жалб қилинадиган ресурсларни ишлатишнинг усуллари молиявий жойлаштириш, бюджетда фойдаланиш ва аралаш (бюджет-молиявий) жойлаштиришларга ажратиш мумкин. Ташқи манбалардан инвестиция дастурларини ва иқтисодиётни ривожлантиришни молиялаштирилиши жалб қилинган ресурсларни молиявий жойлаштириш усули деб аталади. Ташқи қарзлардан бундай фойдаланиш жалб қилинган ресурсларни ишлатишнинг энг прогрессив усули ҳисобланади. Бунда энг самарали ракобатбардош инвестиция дастурларини танлаб олиб, шу дастурларга ташқаридан жалб қилинган ресурсларни йўналтирилиши олинган ресурсларни қайтарилишини таъминлайди. Хориждан жалб қилинган ресурслар жорий бюджет харажатларини, шу жумладан, ташқи қарзга хизмат кўрсатишни молиялаштиришга йўналтирилиши жалб қилинган ресурслардан бюджетда фойдаланиш усули деб аталади. Бу усул халқаро ресурслар бозоридан жалб қилинган ресурслардан фойдаланишнинг амалдаги усулларида энг кам самарали усули ҳисобланади. Четдан жалб қилинган ресурслар жорий бюджет эҳтиёжларига ҳамда иқтисодиётни умуман ривожлантиришга фойдаланиш жалб қилинган ресурслардан фойдаланишнинг аралаш усули деб аташ мумкин.

Давлат қарзларини қайтариш учта асосий манбалардан, яъни, бюджет ҳисобидан, олтин-валюта захираси ва мол-мулк ҳисобидан ва янгидан маблағ жалб қилиш ҳисобидан амалга оширилади. Давлат қарзларини бошқариш

доирасида давлат қарзи ҳисоби бўйича иккита китоб юритилади. Давлатнинг ташқи қарзлари бўйича давлатнинг ташқи қарзлари китоби ва давлатнинг ички қарзлари бўйича давлатнинг ички қарзлар китоби олиб борилади.

Давлат кредитларини бошқариш жараёнида: қарз олувчи учун қарз қийматини минималлаштириш; бозорни давлатнинг заёмлар бўйича мажбуриятлари билан тўлиб кетишига ва курснинг кескин ўзгариб кетишига йўл қўймаслик; жалб қилинган маблатардан самарали фойдаланиш ва ажратилган кредитлардан мақсадли фойдаланиши устидан назорат; кредитларни ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш; молиявий сиёсат билан белгиланган тадбирларни имкон борича ечиш масалаларини ҳал қилиш муҳимдир.

## **IV Боб. Нуробод туман Ғазначилик бўлимида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари**

### **4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти**

Ватанимиз миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллиги, қудратли интеллектуал салоҳиятининг юксак бўлишида сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида, аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутди, шунинг учун ҳам бу соҳа миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз И.А.Каримов мазкур масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бериб, республикамиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли хил офатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб алоҳида таъкидлаб келмоқдалар.

Жамият ва табиат асоси, уни ўз фаолияти билан ривожлантирувчи ва бошқарувчиси инсон эканлигини эътиборга олиб, унинг ҳаёт фаолиятини яхшилаш, эъзозлаш – тараққиёт йўлидаги муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан фуқароларимизнинг ҳаёт шароитини яхшилаш, уларни турли таъсирлардан сақлаш, ҳар қандай ҳолатда ҳам эҳтиёт этиб, муҳофаза этиш асосий эзгу мақсад қилиб олинган.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тушунчаси ўз ичига инсоннинг жамиятда ишлаб чиқаришда, яшашида, фаолият олиб боришида муҳитнинг хавфсиз бўлиши, табиий ва техноген хусусиятли вазиятлардан сақланиши, қуруш ва терроризм ҳуружидан ҳимояланиши, табиат ва одамзот қуюнлигини сақлаши, умуман олганда, инсоннинг шу заминдаги ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш тушунилади.

Она саёрамизда илк қадамларни кўйган ва тафаккур имконияти даражасига кўтарилган узоқ аجدодларимиз яшаш жойларида ўзларига хавф солиб турган йирқичлардан ҳам хавфли офатлар бўлишини тезда тушиниб етишган. Чунки, ўша даврларда ҳам зилзилалар, вулқонлар, тўфонлар, сув тошқинлари ва бошқа табиий офатлар инсонларнинг ожиз ва сийрак кабилаларига сезиларли зарар етказиб турган.

Инсоният XXI асрга қадам кўяр экан, ўтган давр мобайнидаги совуқ урушлар, тинчлик даврларида кўлланилган замонавий қуроллар, турли кўринишдаги фалокатлар ва боша муаммоларни талил қилади ва янги аср бўсағасида бажариладиган тадбирларни ҳар томонлама асослаган ҳолда белгилаб олади.

XX аср поёнида ҳафсиз ҳаётни таъминлаш масалалари энг долзарб муаммога айланиб қолди, чунки ишлаб чиқаришни юқори тараққий этган технологиялар билан таъминлаши, табиий ривожланишдаги айрим ноҳуш вазиятларнинг мураккаблашуви аҳоли саломатлиги, атроф-муҳит тозаллиги ва иқтисодни барқарор ривожланишига хавф солиб турибди. Шунинг учун энг муҳим вазифалар Ўзбекистон аҳолиси ҳаёт фаолиятини ва ҳудудини турли хил вазиятлардан муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни, айниқса фуқаро меҳнатини муҳофазасини таъминлаш ҳисобланади. Республикамиз Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида «Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтаавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган»лигини эътироф этганлар. «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» асарида Президентимиз ватанимизнинг яхлитлиги, аҳоли хавфсизлиги таҳдиди тўғрисида батафсил тўхтаб ўтганлар.

Олдинги асрда икки қарама-қарши сиёсий қарашларнинг бир-бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин қуроллари ва ҳужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги вақтда фуқаро муофазаси янги ижтимоий-иқтисодий зарурият

асосида шаклланимоқда, мамлакатимизни ва аҳолини турли фалокатлар ва алокатлардан сақлаш уларнинг меҳнатини, яшашини муҳофаза этиш руҳида тарбиялашга йўналтирилмоқда.

Шунинг учун фуқароларни турли бўладиган таъсирлардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, худди шундай бизнинг ўлкамиз табиий офатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини ва ҳ.к.) бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар ва экологик мувозанатни бузилиши натижасида унинг оқибатларидан, фуқаролар меҳнат муофазасини, халқ хўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, зарар кўрган ҳудудларда кутариш – тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун хос бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга еришиш мумкин.

Инсон ва табиат жамият ўртасидаги муносабатда ҳам, инсон табиатнинг қонунлари ва ундан келиб чиқадиган кўпгина ҳодисаларнинг олдида жамиятларнинг ўртасида ёки бошқа сабаблардан келиб чиқадиган вазиятларда ҳозирда инсон ожизлик қилиши мумкин.

#### **4.2. Нурабод туман Ғазначилик бўлими ходимлари ходимлари меҳнат ва ёнгин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари**

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва захарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайтиришда, ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли, нохуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий кўриктан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутди.

Сўнгги вақтларда соʻлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва тиббий кадрлар тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилаяпти, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида мажмуавий дастурлар амалга оширилмоқда, юқумли, умумий хас-таликлар ҳамда касб касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактика қилишнинг энг янги усуллари ишлаб чиқилмоқда ва ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бироқ, қўлга киритилган катта ютуқларга қарамай, бозор муносабатларига ўтиш шароитларида, кичик корхоналар кўпаяётган бир пайтда (бу ерда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига амал қилмаслик ҳоллари рўй бермоқда) қишлоқ хўжалиги ва саноатда машғул бўлган ходимларга кўрсатаётган соʻлиқни сақлаш ходимларига қўйилаётган талаблар пасайгани йўқ. Бу айниқса, ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш муаммосига тааллуқлидир, уларнинг нечоқлик сифатли ўтказилиши, умумий ва касб касалликларида профилактика чора-тадбирларини мақсадга мувофиқ йўналтирилган даражасига бўлиқ бўлади.

Умумий ва касб касалликларини, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида бу кўрикларнинг паст савияда ўтказилиши келгусида сурункали касалликларнинг тез-тез учраб туришининг кўпайиб кетишига олиб келиши мумкин, бу эса ўз навбатида ишлаш унумдорлигининг пасайишига, иқтисодий куч-қувватларнинг сусайишига олиб боради, яъни салбий ижтимоий оқибатларга сабаб бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон саноатида, қурилишда ва қишлоқ хўжалигида 3 млн. дан ортиқ одам ишлайди, улардан 1 млн. нохуш ва

зарарли меҳнат шароитларида, шу жумладан 200 минг аёл ишламоқда. Кўп корхоналарда асосий касб гуруҳларида зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари (шовқин, тебраниш, кимёвий бирикмалар ва ҳоказолар)га кўйиладиган рухсат этувчи гигиеник қоидаларнинг бузилишига йўл кўйилмоқда. Бу эса касбдан касалланишнинг асосий негизини кўп жихатдан ишга вақтинча қобилятсизликка алоқадор касалликларни келтириб чиқаради.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, баъзи бир саноат корхоналарида меҳнат шароитлари ва касбдан касалланишнинг ҳақиқий аҳволи санитария-эпидемиология хизмати томонидан кўриладиган чораларнинг етарлича самарали бўлмаслигидан ва ходимларнинг касбдан касалланишини муҳофаза қилиш борасида ўз касб бурчини принципиал ва пухта бажармаслигидан далолат беради.

Мана шу вазифаларни муваффақиятли олиб бормай туриб, зарарланган ҳудудларда, объектларда мўтадил ҳаёт фаолиятини яратиб бўлмайди. Бу ишларни давлат органлари орқали, фуқаро муҳофазаси бошчилигида бутун халқ ёрдамида амалга оширилади.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишда уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси(ФМ)<sup>4</sup> кучларини ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларда тузилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва тартибли ҳаракатлари, турли хил жихозлар, асбоб-ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

ФМнинг амалий машғулотларини замон талабларига мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонидан қўлланиладиган замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, ҳудудимизда кузатиладиган табиий офатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалар оқибатларидан муҳофаза қилиш,

одамларда маънавий-ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, кутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

Ёнғин халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут ёки соат ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, хавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кураш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усулларини меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо қилади.

Ҳозирги вақтда республикамиз ташкилот ва корхоналарида ёнғин хавфсизлигини камайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, корхоналарда ёнғин чиқиш хавфи камайтирилган ва бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналари ишлатилмоқда. Ўт ўчиришнинг механизатсиялашган ва автоматлашган тизимлари тобора кенгрок қўлланилмоқда.

Лекин, ёнғин чиқишининг олдини олиш ва ўт ўчиришда асосий масъулият кишилар зиммасига тушишини ҳамда уларнинг ёнғинни ўчириш техникасининг барча талабларини тўлиқ бажарқилишига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Ташкилот ва корхоналарда бу тадбирлар тартибли равишда, ёнғин техникаси ҳақидаги низом, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борқилиши шарт.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкани кўз қорачиғидай сақлаши, асраб авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун корхоналарда ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда олиб борилади. Ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

---

<sup>4</sup> Фуқаро муҳофазаси кейингиларда-ФМ

Касбий ёнғин муҳофазаси ўз навбатида ҳарбийлаштирилган (йирик шаар ва муҳим объектларга хизмат кўрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (туман марказлари ва йирик саноат объектларига хизмат кўрсатади) ва тармоқ (айрим бирлашма ва корхоналарга хизмат кўрсатилади) турларига бўлинади.

Ёнғин хавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда ёнғин муҳофазаси ва объектни қўриқлаш хизмати биргаликда қўшиб олиб борилади. Корхоналарда ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнғин чиқишини оголантириш ўт ўчириш техникаси ҳамда қуролларини алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнғин чиққан тақдирда уларни ўчиришда фаол қатнашиш, ҳал мулкани асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Цех, лаборатория, бўлим, омборхона, устаконалардаги ёнғин хавфсизлиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб турган кишилар зиммасига юклатилади.

Республикамизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойлар ва халқ ҳўжалиги объектларининг ёнғин муҳофазасини мустакамлаш учун ёнғинга қарши кураш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнғиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;

- иккинчидан, объектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойларда ёнғинни ўчиришни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғинга арши кураш бошқармасининг вазифаси давлат мулкани, фуқаролар шахсий мулкани ёнғиндан салашдан иборат, шу билан бирга ёнғин назорати ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

Ø Ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнғин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;

Ø саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойиҳалаш, қуришда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг бажарилишини текшириш;

Ø Ҳамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлинмаларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини каттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати ташкилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

Ø ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча саноат бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналар ва уйларни текшириш;

Ø корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан объектларнинг ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

Ø ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда корхона раҳбарларига ана шу бузилишларни бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;

Ø ёнғин ва портлаш хавфини юзага келтирувчи оида бузқилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этилгунга қадар корхонанинг ишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш;

Ø ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчи-хизматчилар ўз иш ўрнидаги ёки ўзи ишлайдиган бўлинмадаги ёнғин хавфсизлиги талабларини яхши билишлари ва уларга қатъий амал қилишлари, ўт ўчириш воситаларидан фойдалана олишлари, меҳнат ҳамда технология интизомига қатъий риоя қилишлари, ёнғин ҳамда портлаш

жихатидан хавфли модда ва ашёларни ишлатишни билишлари зарур.

Ишчилар, хизматчилар ва мухандис-техник ходимларининг кўпчилиги жалб этилгандагина корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда ёнғинга қарши муваффақиятли кураш олиб бориш мумкин. Бунинг учун ҳар бир объектда ёнғин-техник комиссияси тузилади. Комиссияга бош мухандис, техник раҳбар ёки раҳбарнинг биринчи ўринбосари бошчилик қилади, уларнинг вазифаси қуйидагилардан иборат:

- Ø ёнғинни олдини олиш қоидаларининг бузилишларини ва ёнғин чиқишига олиб келувчи камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқиш;

- Ø объектив ёнғиннинг олдини олиш тартибини ишлаб чиқиш ва уларни ўтказишда қатнашиш;

- Ø ишчи-хизматчилар ва мухандис-техник ходимлар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш тартиби ҳамда қоидалари бўйича оммавий тушунтириш ишини олиб бориш.

Бу вазифаларни бажариш учун ёнғин техник-комиссияси ишлаб чиқариш хоналари, электр жиҳозлари, шамолатиш, иситиш тизимлари ва шу кабиларни кўздан кечириб, қоида бузилишларини аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш муддатларини белгилайди; ишловчилар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш мавзуларида суҳбатлар, лекциялар ўтказди; ратационализаторлар ҳамда ихтирочилар учун мавзулар ишлаб чиқишда қатнашади; цехлар, бўлимлар, омборхоналар, лабораториялар ва ҳоказоларнинг ёнғинга қарши ҳолатини текширишга кенг жамоатчиликни жалб этади.

Ҳар қандай объектда ёнғинни муваффақиятли ўчириш учун ёнғинга қарши курашиш тадбирларини олдиндан амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Корхоналардаги ёнғинларнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири шуки, ёнғиннинг бошланишида ҳарорат тез кўтарилади ва қуюқ тутун ажралиб чиқади. Масалан, аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги тўқимачилик корхоналарда 0,35-0,65 м/мин. бўлса, чанг ва момиқ юзаларга тўпланиб

қолган ҳолларда 1-2 м/мин. ни ташкил этади. Таҷрибаларнинг кўрсатишича корхона цехларида аланга майдонининг тарқалиш тезлиги 8-12 м<sup>2</sup>/мин. ни ташкил этади.

Бунинг оқибатида ёнғинни бошланғич давридаёқ ўчириш имкони бўлмайди. Шу билан бирга бу шароит кишиларни эвакуатсия қилиш ишини, ўт ўчириш бўлимларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар ўтни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнғин тезда ривожланиб, катталашиб кетади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнғинга қарши ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга мажбур қилади. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнғинни ўчириш бўйича тезкорлик билан режа ишлаб чиқишдир. Бунинг учун шароитни ҳисобга олган ҳолда, бўлиши мумкин бўлган энг мураккаб ёнғин кўзда тутилади ва унинг асосида воситалар ва кишилар сони ҳисоблаб чиқилади.

Тезкорлик билан тузилган режа чизма ҳамда матндан иборат бўлади. Чизма қисмида корхонанинг асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбаларининг биргаликдаги схемаси кўрсатилади. Режада ўт ўчириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт ўчириш бўлимлари ўз насосларини қайси сув манбаига ўрнатишлари ҳам кўрсатилиши керак. Зарур бўлса, кўп қавақтли биноларда ҳар бир қавақтнинг режаси ва унинг қирқими илова қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши лозим.

Режанинг матн қисмида шу бинонинг ўзига хос хусусиятлари, ёнғин пайтида одамларни эвакуатсия қилиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш, келаётган ўт ўчириш бўлимларининг еркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалга ошириш тадбирлари кўрсатилади. Режада ўт ўчириш штабига корхона маъмурияти вакиллари жалб қилиш кўзда тутилади. Бунда ёнғин пайтида ўт ўчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиш аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Саноат корхонасининг ёнғин жихатидан хавфсизлиги корхона ҳудудида бинолар, автомобил йўллари, термийўлларнинг оқилона жойлаштирилишига, сув резервуарлари, ўт ўчирувчилар депосининг мавжудлиги ҳамда жойлашувига кўпроқ эътибор берилади.

Корхонанинг бош режасида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг жойлашуви шамол йўналишининг қўлдастасига асосан лойиҳаланади. Корхона ҳудуди энг яқин тураржой даҳасига нисбатан шамолга тескари томонда жойлаштирилади. Ёнғин жихатидан энг хавфли бино ва иншоотлар ҳам корхонанинг бош режасида шу нуқати назар асосида, бино ҳамда иншоотларнинг гуруҳланишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ва ёнғин хавфи белгиларидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилиши лозим.

#### **4.3. Нуриобод туман Ғазначилик бўлимида фавқулодда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари**

Фавқулодда вазият (ФВ)<sup>5</sup> — маълум ҳудудда юз берган фалокат, ҳалокат ва бошқа турдаги офатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига, теварак атрофдаги табиий муҳитга сезиларли моддий зарар этказувчи, одамларнинг турмуш шароитини бузилишига олиб келадиган ҳолатдир.

Фавқулодда вазиятлар хавфнинг тарқалиш тезлигига кўра, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) тасодифий ФВ — ер силкиниши, портлаш, транспорт воситалардаги авариялар ва бошқалар;

б) шиддатли ФВ — ёнғинлар, заҳарли газлар отилиб чиқувчи портлашлар ва бошқалар;

в) мўтадил (ўртача) ФВ — сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиб чиқиши, радиоактив моддалар оқиб чиқувчи авариялар ва бошқалар;

г) равон ФВ — секин-аста тарқалувчи хавфлар: қургоччилик,

эпидемияларнинг тарқалиши, тупроқнинг ифлосланиши, сувни кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва бошқалар.

Фавқулодда вазиятлар яна тарқалиш миқёсига (шикастланганлар сонига ҳамда моддий йўқотишлар миқдорига қараб) кўра 4 гуруҳга бўлинади:

- 1 Локал (объект миқёсидаги) ФВ;
- 2 Маҳаллий ФВ;
- 3 Республика (миллий) ФВ;
- 4 Трансчегаравий (глобал).

Локал Фавқулодда вазият — бирор объектга тааллуқли бўлиб, унинг миқёси ўша объект ҳудуди билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ бўлмаган одам жабрланган ёки 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият павдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади. Бундай ФВ оқибатлари шу объект кучи ва ресурслари билан тугатилади.

Маҳаллий тавсифдаги Фавқулодда вазият — аҳоли яшайдиган ҳудуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ, бироқ 500 дан кам бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 миллион бараваридан кўп бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади.

Республика (миллий) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда — Фавқулодда вазият натижасида 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар ФВ пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортиғини ташкил этадиган, ҳамда ФВ минтақаси вилоят чегарасидан ташқарига чиқадиган, республика миқёсида тарқалиши мумкин бўлган ФВ тушунилади.

Трансчегаравий (глобал) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда эса,

---

<sup>5</sup> Фавқулодда вазият кейингиларда-ФВ

оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган ёхуд ФВ чет элда юз берган ва Ўзбекистон ҳудудига дахлдор ҳолат тушунилади.

Бундай фалокат оқибатлари ҳар бир мамлакатнинг ички кучлари ва маблағи билан ҳамда халқаро ҳамжамият ташкилотлари маблағлари ҳисобига тугатилади. Масалан, Орол муаммоси нафақат Ўзбекистон давлати учун, балки унга чегарадош бўлган Туркменистон, Қозоғистон ва бошқа давлатлар учун ҳам фалокат келтирувчи вазиятдир. Шунинг учун охириги вақтда Орол муаммосини ҳал қилишга Ўзбекистон давлатининг куч ва маблағидан ташқари бутун жаҳон ҳамжамияти ташкилотлари (Экосан, Юнесейф ва бошқ.) маблағлари, кучларидан фойдаланилмоқда.

Фавқулодда вазиятлар тавсифига кўра (сабаби ва келиб чиқиш манбаига кўра):

1 Табиий тусдаги ФВ;

2 Техноген тусдаги ФВ;

3 Экологик тусдаги ФВларга бўлинади. Табиий тусдаги Фавқулодда вазиятларга 3 хил турдаги хавфли ходисалар киради:

1) геологик хавфли ходисалар: зилзилалар, ер кучишлари, тоғ ўпирилишлари ва бошқа хавфли геологик ходисалар;

2) гидрометеорологик хавфли ходисалар: сув тошқинлари, селлар, қор қўчкилари, кучли шамоллар (довуллар), жала ва бошқа хавфли гидрометеорологик ходисалар;

3) Фавқулодда эпидемиологик, эпизоотик ва эпифитотик вазиятлар: алоҳида хавфли инфекциялар (ўлат, вабо, сибир яраси ва ҳоказо), юқумли касалликлар, риккетсиалар эпидемик тошмали терлама, Брил касаллиги, зооноз инфекциялар — Сибир яраси, қутуриш, вирусли инфекциялар — СПИД;

Эпидемия — одамларнинг гуруҳ бўлиб юқумли касалланиши, уларнинг захарланиши (захарли модда билан ҳамда озиқ-овқатдан оммавий захарланиш); эпизоотия — ҳайвонларнинг оммавий касалланиши ёки нобуд бўлиши; Эпифитотия эса ўсимликларнинг оммавий нобуд бўлишидир.

Техноген тусдаги Фавқулодда вазиятларга 7 хил турдаги вазиятлар киради:

1) Транспортлардаги авариялар ва ҳалокатлар — экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг ўлимига, ҳаво кемаларининг тўлиқ парчаланишига ёки каттиқ шикастланишига ҳамда кидирув ва авариякидирув ишларини талаб қиладиган авиа ҳалокатлар;

Ёнғинга, портлашга, ҳаракатланувчи таркибининг бузилишига сабаб бўлган ва темир йўл ходимларининг ҳалокат ҳудудидаги темир йўл платформаларида, вокзал биноларида ва шаҳар иморатларида бўлган одамлар ўлимига, шунингдек, ташланган кучли таъсир кўрсатувчи заҳарли модда (КТЗМ)лар билан ҳалокат жойига туташ ҳудуднинг заҳарланишига олиб келган темир йўл транспортдаги ҳалокат ва фалокатлар;

Портлашларга, ёнғинларга, транспорт воситаларининг парчаланишига, ташилаётган КТЗМларнинг зарарли хоссалари намоён бўлишига ва одамлар ўлими (жароҳатланиши, заҳарланиши)га сабаб бўладиган автомобил транспортининг ҳалокати ва авариялари, шу жумладан, йўлтранспорт ходисалари;

Одамларнинг ўлимига, шикастланишига ва заҳарланишига, метрополитен поездлари парчаланишига олиб келадиган метрополитен бекатларидаги ва тунелларидаги ҳалокатлар, авариялар, ёнғинлар;

Газ, нефт маҳсулотларининг отилиб чиқишига, очиқ нефт ва газ фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган магистрал қувурлардаги авариялар.

2) Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар:

Теваракатроф табиий муҳитга таъсир қилувчи заҳарли моддаларнинг (авария ҳолатида) одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг кўплаб шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тақдирда, йўл қўйиладиган чегаравий концентрациялардан анча ортиқ миқдорда санитария — химоя ҳудудидан четга чиқишига сабаб бўладиган кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, ёнғин ва портлашлар.

3) Ёнғин, портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар: Технологик жараёнда портлайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнғин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланидиган объектлардаги одамларнинг механик ва термик шикастланишларига, захарланишларига ва ўлимига, асосий ишлаб чиқариш захираларининг нобуд бўлишига, Фавқулодда вазиятлар ҳудудларида ишлаб чиқариш маромининг ва одамлар ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ёнғинлар ва портлашлар;

Одамларнинг шикастланишига, захарланишига ва ўлимига олиб келадиган ҳамда қидирув-қутқариш ишларини ўтказишни, нафас олиш органларини муҳофаза қилишнинг махсус анжомларини ва воситаларини қўллашни талаб қилувчи кўмир шахталаридаги ҳамда конруда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғлиқ авариялар, ёнғинлар ва жинсларнинг кўпорилиши.

4) Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар: Саноат ва қишлоқ-хўжалиги маҳсулотлари истеъмолчиларининг авария туфайли энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ГЕС, ГРЭС, ИЭСлардаги, туман иссиқлик марказларидаги электр тармоқларидаги буғқозон қурилмаларидаги, компрессор, газ тақсимлаш шахобчаларидаги ва бошқа энергия таъминоти объектларидаги авариялар, ёнғинлар, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига ва саломатлигига хавф туғилишига олиб келадиган газ қувурларидаги, сув чиқариш иншоотларидаги, сув қувурларидаги, канализация ва бошқа коммунал объектлардаги авариялар;

Атмосфера, тупроқ, ер ости ва ер усти сувларининг одамлар саломатлигига хавф туғдирувчи даражада концентрациядаги зарарли моддалар билан ифлосланишига сабаб бўладиган газ тозалаш қурилмаларидаги, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авариялар.

5) Бино ва иншоотларнинг бирдан қулаб тушиши билан боғлиқ авариялар:

Одамлар ўлими билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан аварияқутқарув ўтказилишини ҳамда зарар кўрганларга шовшшнч тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиладиган мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар ва бошқа ижтимоий йўналишдаги объектлар, шунингдек, уй-жой сектори бинолари конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнғинлар, газ портлаши ва бошқа ходисалар.

6) Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жihatдан зарарли моддалардан фойдаланши ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар:

Санитария-ҳимоя ҳудуди ташқарига чиқариб ташланиши натижасида пайдо бўладиган юкори даражадаги радиоактивлик одамларнинг йўл кўйиладиган кўп миқдорда нурланишини келтириб чиқарадиган технологик жараёнда радиоактив моддалардан фойдаланадиган объектлардаги авариялар; радиоактив материалларни ташиш вақтидаги авариялар; радиоизотоп буюмларнинг йўқотилиши; биологик воситаларни ва улардан олинадиган препаратларни тайёрлаш, сақлаш ва ташишни амалга оширувчи илмий-тадқиқот ва бошқа муассасаларда биологик воситаларнинг атроф-муҳитга чиқиб кетиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ вазиятлар.

7) Гидротехник иншоотлардаги ҳалокатлар ва авариялар: Сув омборларида, дарё ва каналлардаги бузилишлар, баланд тоғлардаги йўллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келадиган ҳамда сув босган ҳудудларда одамлар ўлимига, саноат ва қишлоқ хўжалиги объектлари ишининг, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ва шовшилишч кўчириш тадбирларини талаб қиладиган ҳалокатли сув босишлари.

Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар. Экологик тусдаги ФВлар асосан 3 хил бўлади:

1. Қуруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар: ҳалокатли кўчкилар — фойдали қазилмаларни қазиб чоғида ер остига ишлов берилиши ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида ер юзасининг ўпирилиши, силжиши;

Тупроқ ва ер саноати туфайли келиб чиқадиган токсикантлар билан ифлосланиши, оғир металллар, нефт маҳсулотлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида одамларнинг соғлиги учун хавф солувчи концентрацияларда қўлланиладиган пестицидлар ва бошқа захарли химикатлар мавжудлиги.

2. Атмосфера (ҳаво мухити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар:

Ҳаво мухитининг қуйидаги ингредиентлар билан экстремал юқори ифлосланиши:

— олтингугуртли оксид, азотли оксид, углеродли оксид, диоксид, қурум, чанг ва одамлар соғлигига хавф солувчи концентрацияларда антропоген тусдаги бошқа зарарли моддалар;

— кенг кўламда кислотали ҳудудлар ҳосил бўлиши ва кўп миқдорда кислота чиқиндилари ёғилиши;

— радиациянинг юқори даражаси.

3. Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:

Ер юзаси ва ер ости сувларининг саноат ва қишлоқ-хўжалиги ишлаб чиқариши оқовалари;

Нефт маҳсулотлари, одамларнинг захарланишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган, таркибида оғир металллар, ҳар хил захарли химикатлар мавжуд чиқиндилар ва бошқа зарарли моддалар билан экстремал юқори даражада ифлосланиши;

Биолар, муҳандислик коммуникациялари ва уй-жойларнинг эмирилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган сизот сувлар миқдорининг ортиши;

Сув манбалари ва сув олиш жойларининг зарарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида ичимлик сувининг кескин етишмаслиги.

Ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — БМТ бўйича фавқулодда вазиятларнинг тавсифига яна қўшимча қилиб:

а) ижтимоий-сиёсий тавсифдаги ФВ;

б) ҳарбий тавсифдаги ФВ ни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра бизнинг минтақада 7 хил ФВ турлари тасдиқланган:

1. Зилзилалар, ер сурилиши;
2. Сел, сув тошқинлари ва бошқалар;
3. Кимёвий хавфли объектларда авария ва фалокатлар (ўткир захарли моддаларнинг ажралиб чиқиши);
4. Портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд объектлардаги авария ва фалокатлар;
5. Темир йўл ва бошқа транспорт воситаларида ташиш пайтидаги авария ва фалокатлар;
6. Хавфли эпидемияларнинг тарқалиши;
7. Радиоактив манбалардаги авариялар.

Фуқаро муҳофазаси давлат тизимлари — ҳарбий даврда ҳам, тинчлик даврида ҳам юзага келадиган хавфлардан аҳолини, ҳудудларни, моддий бойликларни муҳофаза қилишда муҳим вазифаларни бажаради. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилган «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги қонунида ўз аксини топган.

#### **4.4. Нуրобод туман Ғазначилик бўлимида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари**

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис қўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришlash юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар

томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуққа эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамининг аҳамияти ва шундай ёрдам беришнинг қоидалари

Биринчи медицина ёрдамининг вазифаси энг оддий чораларни кўриш билан шикастланган одам ҳаётини қутқариб қолиш, унинг азоб-уқубатларини камайтириш, рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатдир.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ҳодисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, баданнинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил боғлам қўйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғриқ қолдирадиган дорилар юбориш,(шок маҳалида), ёниб турган кийимни учуриш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни

қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизацияси), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогаз қийғизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкадан ўтказиш.

Биринчи медицина ёрдамини мумкин қадар эрта муддатларда кўрсатиш касаллик ва шикастнинг кейини қандай ўтиши ҳамда оқибати нима билан тугаши учун, баъзида эса ҳаётни қутқариб қолиш учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Кўп қон кетиб турганда, одам злектр токидан шикастланган, сувга чўккан пайтида, юрак фаолияти тўхтаб, нафаси чиқмай қолган пайтда ва бир қанча бошқа ҳолларда биринчи медицина ёрдами дарҳол кўрсатилиши керак. Башарти талайгина одамлар бир йўла биринчи медицина ёрдами кўрсатилишига муҳтож бўлса, у ҳолда бундай ёрдам кўрсатишнинг муддатлари билан навбати белгиланади. Болаларга ва шу дамнинг ўзида ёрдам олмаса ўлиб қолиши мумкин бўлган шикастланганларга биринчи навбатда ёрдам кўрсатилади.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медицина ёрдами кўрсатишга киришилар экан, айрим усул-амалларнинг тартибни белгилаб олиш керак. Аввал шикастланган одамнинг ҳаётини қутқариб қолишга имкон берадиган ёки биринчи медицина ёрдамининг кейинги усуламалларини қўлланиш учун бажарилиши шарт бўлган усул-амаллар бажариладн. Чунончи, сон суяги очик синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда ҳаёт учун хатарли бўлган қон кетишини тўхтатиш, кейин жароҳатга стерил боғлам қўйиш ва шундан кейингина оёқни қимирламайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб қўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимирламайдиган қилиб қўйиш учун махсус шина солиб боғлаш ёки қўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

## Хулоса

Ғазначиликка ўтиш шароитида давлат нархларининг моҳияти ва аҳамияти, давлат қарзларининг турлари ва таснифланиши, давлат қарзларининг юзага келиш сабаблари, давлатнинг ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, давлат қарзларини бошқариш методлари, давлатнинг қарзларга доир кафолатлари ва уларни ижро этишни тадқиқ қилиш шу даврнинг жуда долзарб масалаларидан биридир.

Ғазначилик тизимида ғазна молиявий мажбуриятларини бошқариш ва тўлашини оқилона ташкил этиш жараёнларини ўрганиш орқали куйидаги хулоса ва таклифларга келинди:

Қарз оловчи узи тузган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариши, хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида тузилган шартномалар ҳамда улар юзасидан операциялар хақида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига, кафолатланган қарзлар бўйича эса Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳам ҳисоботлар тақдим этиши ҳамда ҳар бир алоҳида ташқи қарз бўйича қарзнинг тўлиқ тўланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига хабар бериши шарт ҳисобланади. Қарз оловчи - бу хориждан маблағ жало қилган ёхуд хориждан маблағ жалб қилиш ниятини ҳужжат билан тасдиқлаган Ўзбекистон Республикаси номидан иш курувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки резидентдир.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги «Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, қарз оловчи резидент хориждан маблағ - жалб қилиш тўғрисидаги шартномага биноан ўз тўлов мажбуриятларини бажармаган тақдирда унинг қарзини тўлаш қаида олинган мажбурият Ўзбекистон Республикасининг кафолати ҳисобланади. Кафолатларни бериш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди. Ўзбекистон Республикаси номидан кафолатни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у вакил қилган бошқа орган қарз оловчи билан

тузилган шартнома шартлари асосида беради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси узи берган кафолатлар билан боғлиқ тўловларни амалга оширгач, ана шу тўловлар суммаси ҳамда у билан боғлиқ харажатларни қарз олувчидан сўзсиз ундириб олиш ҳуқуқига эга. Қарз олувчи кафил олдидаги ўз шартнома мажбуриятларини бажармаса, у кафил билан келишмасдан фойдани тақсимлашга ҳамда бошқа қарзлар бўйича тўловларни амалга оширишга ҳақли эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги таклифларни эътироф этилишини муҳим деб топдик.

Давлатнинг ташқи қарзи бўйича қарз мажбуриятлари юзасидан тўловларни бажариш учун кафолат фонди тузилади. Кафолат фондини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг узи кафолатлаган ташқи қарз бўйича мажбуриятлари билан боғлиқ барча тўловлар кафолат фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Кафолат фондининг маблағлари етишмзган тақдирда, етишмаётган сумма давлат бюджети ҳисобидан тўлдирилишини таъминлаш керак.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Адолат, 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни. \ Халқ сўзи. 2000. 14 январ.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни. \ Халқ сўзи. 2004. 29 октябр.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1994. 20-бет.
6. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислон Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январ 21-сон.
7. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 2005
8. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011.-48-б.
9. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 463-б.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 101-б.
11. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 179- б.
12. Абрамова А. М., Александрова Л. С. Финансы, денежное обращение и кредит: Учебное пособие. - М.: 1999.- 335с.

13. Акпаров И.Г. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации. – М.: Финансы и статистика, 2002.
14. Ананенко С.А. Повышение эффективности бюджетных расходов с помощью аналитических возможностей БОР // Финансы, № 11, 2006.
15. Ананенко С.А. Повышение эффективности бюджетных расходов с помощью системы сбалансированных целевых показателей // Финансы, № 9, 2004.
16. Бородин А.Н. О результативности расходования бюджетных средств // № 9, 2005.
17. Вахобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: Шарқ, 2009
18. Вахобов А., Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: Iqtisod-moliya, 2008. -287б.
19. Вахобов А., Қосимова Г., Жамолов Х. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод ва молия, 2005.
20. Гусев С.И., Швецов Ю.Г. О роли федерального казначейства в финансовой системе государства // Финансы № 11, 2004,
21. Дроздов О.И. Оценка зрелости казначейской системы // Финансы, № 2, 2007.
22. Дубинина И.В. Реформирование бюджетной классификации РФ // Финансы, № 12, 2004.
23. Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. – Т.: Фан, 2004. – 243 б.
24. Зueva И.А. Пути внедрения государственного аудита // Финансы, № 5, 2005.
25. К вопросу о сущности казначейского исполнения бюджетов // Финансы, № 11, 2006
26. Қосимова Г. Ғазначилик фаолиятини ташкил этиш. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия. 2005.
27. Қосимова Г.А. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. 372 бет.

- 28.Қосимова Г.А. Маҳаллий бюджетларни тузиш ва ижросини таъминлаш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технологиялар, 2007. 396 б.
- 29.Костюченко В.Ф. Пути реализации реформы местного самоуправления казначейскими органами //Финансы, № 9, 2005.
- 30.Крохина Ю.А. Конституционные основы казначейской системы исполнения бюджетов субъектов РФ //Финансы, № 11, 2006.
- 31.Кучкарова Т.С., Тербиленко Б.Н. Выбор казначейской системы исполнения бюджета в странах СНГ //Финансы, № 9, 2005.
- 32.Лаврова А.М. Бюджетная реформа 2001-2008 гг.: от управления затратами к управлению результатами.
- 33.Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. – Т.: Академнашр, 2011. – 472 б.
- 34.Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. – Т.: Молия, 2009.
- 35.Нестеренко Т.Г. О развитии федерального казначейства //Финансы, № 12, 2005.
- 36.Нестеренко Т.Г. Федеральное казначейство на новом этапе //Финансы, № 4, 2005.
- 37.Никитина Т.Р. Применение ответственности за нецелевое использование бюджетных средств // Финансы, № 11, 2005.
- 38.Остонакулов М. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби (2008 йил 1 январдан киритилган ўзгаришлар) . – Т.: Iqtisod-moliya, 2008.
- 39.Пансков В.Г. Аудит эффективности расходования государственных средств //Финансы, № 5, 2006.
- 40.Пахомов С.Б. Секьюритизация доходов бюджета территориального образования и облигационные займы: опыт Нью-Йорка //Финансы, № 12, 2006.
- 41.Принципы организации казначейского исполнения государственного бюджета Республики Ўзбекистон. - Т.: Мир экономики и права, 2005. – 318 с.

42. Сабитова Н.М. Некоторые вопросы реформирования бюджетного процесса в РФ // Финансы, № 7, 2005.
43. Тимирханова Л.Р. Новый порядок финансирования расходов федерального бюджета // Финансы, № 7, 2005.
44. Цыденмункуева Т.Ч. Доходы бюджетных учреждений от предпринимательской и иной деятельности // Финансы, № 12, 2006.
45. Чичелёв М.Е. О дальнейшем совершенствовании бюджетного процесса // Финансы, № 2, 2006.
46. Шахова Г.Я., Боженко И.П. Государственные расходы и социально-экономическое развитие // Финансы, № 8, 2005.
47. Журнал ва газеталар: - Бозор, пул ва кредит 2000-2011 йиллар ва 2012 йил 1-4 сонллари; - Ўзбекистон иқтисодий аҳборотномаси 2000-2011 йиллар ва 2012 йил 1-4 сонллари; - Солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисоби 2006-2011 йиллар ва 2012 йил 1-4 сонллари; - Солиқ ва божхона хабарлари 2000-2011 йиллар ва 2012 йил 1-4 сонллари.
48. Интернет сайтлари:
- http: // [www.minfin.ru](http://www.minfin.ru)
- http: // [www.mf.uz](http://www.mf.uz)
- http: // [www.budget.ru](http://www.budget.ru)
- http: // [www.df.ru](http://www.df.ru)
- http: // [www.nalog.ru](http://www.nalog.ru)
- http: // [www.finansy.ru](http://www.finansy.ru)
- http: // [www.finance.rambler.ru](http://www.finance.rambler.ru)